Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 22-sentabr, chorshanba № 77 (7686)

**Da'vat**

*Odamni qobiliyati uchun emas, balki o'sha qobiliyatidan qanday foydalana bilgani uchun qadrlash kerak.*

Fransua de LAROSHFUKO

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

### QAROR

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Muddatli harbiy, muqobil xizmatning belgilangan muddatlarini o'tab bo'lgan fuqarolarni xizmatdan bo'shatish hamda O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga navbatdagi chaqiruv to'g'risidagi qarori chiqdi.

Unga ko'ra «Umumiy harbiy majburiyat va harbiy xizmat to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi qonuniga muvofiq muddatli harbiy xizmatning belgilangan muddatlarini o'tab bo'lgan fuqarolar – rezervga, muqobil xizmatning belgilangan muddatlarini o'tab bo'lgan fuqarolar - zahiraga bo'shatiladi, 1977-1986 yillarda tug'ilgan, chaqirilish muddatini kechiktirish huquqiga ega bo'lmagan O'zbekiston Respublikasi fuqarolari 2004 yilning oktyabr- noyabr oylarida muddatli harbiy xizmatga chaqiriladi.

(Davomi 2-betda)



*Акмал Икромов туманидаги 450-боғча-мактаб мажмуаси пойтахтимиздаги нутқини ривожлантиришга эҳтиёжманд болаларга таълим-тарбия беришга ихтисослашган масканлардан бири. Ушбу масканда болалар учун қизиқарли бўлган турли тўгараклар гуруҳ тарбиячилари томонидан машғулот тарзида олиб борилади.*

*Суратда: ўрта гуруҳ тарбиячиси Зулхумор Мақсудова моҳир қўллар тўгарагида болаларга қўлда қўғирчоқлар ясаш машғулотини олиб бормоқда.*

**Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

## *Matbuot anjumani*

Маълумки, шу йилнинг 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайлов бўлиб ўтади. Миллий матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилган матбуот анжумани Олий Мажлисга ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги муносабати билан ташкил қилинди.

## ЖУРНАЛИСТЛАРГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА

Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев анжуманни очар экан, аввало, комиссия қошида Матбуот Маркази ташкил қилинганлигини эълон қилди. Марказий сайлов комиссияси қошидаги Матбуот марказига Шерзод Қудратхўжаев раҳбарлик қилади.

Б.Мустафоев матбуот анжумани иштирокчилари эътиборини парламент сайловларини ўтказиш масалаларига қаратар экан, Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловларнинг халқаро меъёр ва андозаларга тўла мувофиқ ҳолда, демократик асосда ўтиши учун маълум ишлар амалга оширилганлигини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

### *Xalqaro anjuman*

Газетамизнинг ўтган сонида хабар берганимиздек, шу йил 17 сентябрь куни Бухоро шаҳри яна бир нуфузли тадбирга мезбонлик қилди. Вилоят марказидаги «Бухоро — Палас» меҳмонхонаси мажлислар залида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг кам сонли миллатлар масалалари бўйича олий комиссарлиги томонидан ташкил этилган «Таълимни такомиллаштириш ва ижтимоий интеграцияни қўллаб-қувватлаш: кўп миллатли жамият вазифалари» мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Соҳага дахлдор чет эл ҳамда маҳаллий ташкилотлар вакиллари, адабий тадқиқотчи мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мазкур тадбирни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Туробжон Жўраев бошқариб борди.

— Бугунги анжуман Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти билан биргаликда ташкил қилинаётгани алоҳида аҳамият касб этади, — дея таъкидлади халқ таълими вазири тадбирни очиш асносида. — Маълумки, жорий йилнинг 5 апрель куни республикамиз ҳукумати ҳамда ушбу ташкилот ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида «Таълим — келажакка йўналтирилган сармоя» мавзуида минтақавий анжуман ташкил этилган эди. Бугунги тадбиримизни ҳам мазкур анжуманнинг узвий давоми, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистонимиз кўп миллатли мамлакат бўлиб, унда 120 дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қиладилар. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари Бош қомусимиз — Конституциямизда алоҳида ҳимояланган. Боболаримиз азалдан тил масаласига доимий эътиборда бўлганлар. Машҳур педагог ва жамоат арбоби Абдулла Авлонийнинг қуйидаги ҳикматли сўзларига эътиборингизни қаратмоқчиман: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурғон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдир». Мазкур фикрдан бу юртда ҳар бир миллат тилига ҳурмат билан муносабатда бўлиш азалий одат бўлиб қолганлиги англашилади.

Бугунги кунда Республика халқ таълими тизимида 9727 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда асосан 7 тилда таълим берилади. Жумладан, 374 та мактабда қорақалпоқ, 776 та мактабда рус, 587 та мактабда қозоқ, 329 та мактабда тожик, 63 та мактабда туркман, 58 та мактабда қирғиз тилида таълим олиб борилади.

Таълимнинг етти тилда олиб борилиши кам сонли миллатларнинг таълим олиш ҳуқуқи тўғрисидаги халқаро меъёрларга нафақат тўғри келади, балки у дунё таълим тизимларида кам учрайдиган ҳодисадир.

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

МАКТАБДАН ЛИЦЕЙГА 2-бет

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ УЧУН СТИПЕНДИЯ 4-бет

ТУЗЛАРНИНГ ФИЗИК, КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ ҚАНДАЙ ЎРГАНИЛАДИ? 5-бет

ИЖАРА ТИЗИМИ ВА КУТУБХОНА 7-бет

«ШУНЧАКИ» — МАҒЛУБИЯТ ДЕГАНИ 9-бет

ТАРБИЯДА НУҚСОН БЎЛМАСИН! вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича методик тавсия 14-бет

**Ibrat**

*Sho'rchi tumanining Ko'klam mahallasida shu atrofdagi 12 mahallada istiqomat qiluvchi 32 mingdan ortiq aholiga mo'ljallangan yangi sport markazi ochildi. Tuman hokimligi sport markazini jihozlash uchun 20 million so'm mablag' ajratdi.*

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

### «IWER-2004» XALQARO ANJUMANI

**«Interkontinental» mehmonxonasida «Favqulodda vaziyatlarda harakat qilish - IWER-2004» mavzuida xalqaro seminar o'tkazilmoqda. Tadbir O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari va AQSH Qurolli Kuchlari Markaziy Qo'mondonligi o'rtasidagi 2004 yilga mo'ljallangan ikki tomonlama harbiy hamkorlik rejasi doirasida tashkil etildi. Unda O'zbekiston, AQSH, Qozog'iston, Qirg'iziston va Tojikiston vakillari ishtirok etmoqda.**

**To'rt kunga mo'ljallangan ushbu anjuman nazariy va amaliy mashg'ulotlardan iborat. Unda o'zbekistonlik hamda amerikalik ekspertlarning favqulodda vaziyatlarda to'g'ri harakat qilish bo'yicha ma'ruzalari tinglanadi va amaliy mashg'ulotlar o'tkaziladi.**

### ILMIY-AMALIY ANJUMAN

**O'zbekiston Fanlar akademiyasi «Botanika» ilmiy-ishlab chiqarish markazida «Botanika fanini rivojlantirish muammolari va uning ishlab chiqarish bilan integratsiyasi» mavzuida ilmiy-amaliy anjuman bo'lib o'tdi. Unda mamlakatimiz olimlari bilan birga Qozog'iston va Qirg'izistondan kelgan mutaxassislar ishtirok etdi.**

**Anjumanda dorivor, ozuqabop, gulli, manzarali va xalq xo'jaligi uchun istiqbolli boshqa o'simliklardan oqilona foydalanish, ularni madaniylashtirish hamda iqlimlashtirish muammolari, oqova suvlarni biologik usulda tozalashga qaratilgan ilmiy ishlanmalarni yanada takomillashtirishga oid ma'ruzalar tinglandi.**

# ЖУРНАЛИСТЛАРГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги Низом, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини ўтказишда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, мустақил ташаббускор гуруҳларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов кампаниясида қатнашадиган хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчилари тўғрисида»ги Низом ва бошқа бир қанча ҳужжатлар ишлаб чиқилди ҳамда комиссия қарори билан тасдиқланди. Сайлов комиссияларига бинолар ажратиш, техник воситалар билан таъминлашга доир Марказий сайлов комиссиясининг қарори қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси раиси икки палатали парламент сайловини ўтказиш учун барча ҳуқуқий асослар яратилганлигини таъкидлар экан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида ҳам маълумот берди. Парламент сайлови жараёни икки босқичда бўлиб ўтади. Яъни, дастлабки босқич Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловни, иккинчи босқич эса, Сенатни шакллантиришни ўз ичига олади. Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайлов якунлари 2005 йилнинг 5 январига қадар матбуотда эълон қилинади. Сенат аъзоларини маҳаллий Кенгашлар 2005 йил 26 январгача аниқлаб беришлари шарт.

Сиёсий партияларнинг, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилишлари учун бир хил вақт ва ҳажмда имконият берилишини Марказий сайлов комиссияси раиси алоҳида таъкидлади.

Ташкил этиладиган сайлов участкалари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайловлар учун бирдир.

Шу йилнинг 26 декабрь куни соат 6.00 да бошланиб, 20.00 да якунланадиган сайлов жараёнида ҳамда овозларни ҳисоблаш жараёнида сиёсий партияларнинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг, халқаро кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларининг иштирок этиши таъминланади.

Хорижий ва маҳаллий ОАВ вакиллари иштирок этган ушбу матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган барча саволларга етарлича жавоб берилди.

**МУХБИРИМИЗ**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Халқаро меъёрларга кўра, ўқув дастурларининг маълум қисмигина ўз она тилларида, қолганлари эса давлат тилида ўқитилиши талаб этилган бўлса, Ўзбекистондаги таълим бошқа тилда олиб бориладиган мактабларда ўқув дастурларининг асосий қисми камсонли миллатларнинг она тилларида олиб борилади.

Яна бир ибратли жиҳати шундан иборатки, она тиллари дастурлари асосидаги дарсликлар ҳам тегишли миллат вакиллари олим ва ўқитувчилари томонидан ёзилган.

Ўзбекистонда таълимни бошқа тилларда олиб бориш бўйича доимий тадқиқотлар олиб борилмоқда, уларнинг натижа ва хулосаларига асосланиб, янгиликлар киритилаяпти. Қолаверса, мазкур тажрибалар бошқа давлатлар томонидан ўрганилаётир.

Шу билан бирга халқаро меъёрларда таъкидланганидек, уларнинг давлат тилига бўлган эҳтиёжлари ҳам қондирилган бўлиб, 2-синфдан бошлаб давлат тилини мунтазам ўрганадилар. Бу борада ҳам ҳар бир тилнинг ўзбек тилига яқинлиги ҳисобга олиниб, махсус дарсликлар яратилган.

Ўзбекистонда юқорида таъкидланган 7 тилдан бошқа тилларда ҳам таълим олиб боришнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Бундай мактаблар камсонли миллатлар жам бўлган жойда ота-оналар томонидан тушадиган талабларга кўра очилиши мумкин.

Маълумки, жорий йилда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» ишлаб чиқилди ва у бугунги кунда муваффақиятли амалга ошírила бошланди. Дастурда таълим бошқа тилда олиб бориладиган мактабларга ҳам алоҳида аҳамият берилган.

Ўйлайманки, бугунги анжуман кўпмиллатли республикамизда миллатлараро тотувликни, бағрикенгликни тарғиб қилишга, ўзаро бирлашиб, тараққий этиб, дунё ҳамжамияти интеграциялашувига хизмат қилади ва таълим бериш соҳасидаги кейинги фаолиятларимизда ўз самарасини беради, — деди пировардида вазир.

Анжуман айнан ана шу эзгу ва улуғ мақсадларга йўналтирилганлиги, унда билдирилган фикр-мулоҳазалар, маърузалар мазмунида ҳам аниқ-равшан ўз ифодасини топди. Унда «Ўзбекистон — Қозоғистон дўстлик жамияти»нинг ижрочи директори Т.Қолдибоев, «Ўзбекистон — Қирғизистон дўстлик жамияти» ижрочи директори З.Исомиддинов, СамДУ доценти А.Қамарзода ва бошқалар ҳам маъруза қилиб, анжуман кун тартибидаги масала билан боғлиқ ижобий жиҳатлар, юзага келган муаммолар ва мавжуд камчиликлар хусусида сўз юритдилар. Уларнинг ечими юзасидан таклифларини ўртага ташладилар. Дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр қилиш тизимини такомиллаштириш лойиҳаси менежери Гўзал Тугееванинг маърузаси эса бугунги кунда мамлакатимизда кўп тилли таълим бўйича олиб борилаётган доимий тадқиқотлар, уларнинг натижа ва хулосаларига асосланиб, дастурларга киритилаётган янгилик ва ўзгартиришлар, бу жараёнга татбиқ этилаётган бошқа ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларига қаратилди.

Айниқса, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг камсонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари Рольф Экеуснинг «Барча учун таълим имкониятларини қўллаб-қувватлаш» мавзусидаги чиқиши йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. У айни пайтда бу борада юртимизда орттирилган тажриба ҳам хорижликлар томонидан ўрганилаётганини қайд этди.

Анжуман қизғин баҳс-мунозара, фикр алмашув асосида кечганлиги билан иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди. Табиийки, анжуман келгусида мамлакатимизда таълимни янада такомиллаштириш ва ислоҳотлар жараёнида ижобий самарасини беради.





**МУХБИРИМИЗ**

**Суратларда: анжумандан лавҳалар.**

**Бурҳон РИЗО олган суратлар.**

# ИШТИЁҚ

*Мен Бўстонлиқ туманидаги 5-ўрта мактабнинг IX синфини аъло баҳоларга битирдим. Ёшлигимдан компьютер сирларини ўрганишга қизиқардим. Уйимизда акамнинг компьютери бор эди. Ҳар гал унинг нималарнидир ёзиб, компьютерда ишлаб ўтиришини кўриб ҳавасим келарди. Менда ҳам қизиқиш янада ортиб, янги-янги ғоялар пайдо бўларди.*

*Ана шу қизиқиш мени Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежига етаклаб келди. Ҳозирда мазкур таълим муассасасининг «Компьютер графикаси» йўналишида таҳсил олмоқдаман. Бу ерда эса тинимсиз изланишлар билан ўқиб-ўрганмоқдаман. Компьютернинг ҳали биз билмаган жуда кўп сирлари борлигини шу ерда билдим.*

*Энди ушбу соҳанинг сир-синоатларини чуқур ўрганиб, олган билимларни амалда қўллаш ниятидаман. Айни чоғда бу соҳадаги билимларни эгаллаш билан бирга, тажрибамни ҳам оширмоқдаман. Келажакда телевидениедаги реклама роликларини тайёрлаш, газета ва журналлардаги дизайн ишларини бажариш борасидаги билим ва маҳоратимни кучайтирмоқчиман. Бу соҳани танлашимга кучли қизиқишим сабаб бўлди.*

**Ержон УСМОНОВ,**
**Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқувчиси**

*Kasbga yo'naltirish*

# МАКТАБДАН ЛИЦЕЙГА

Тўққизинчи синф битирувчиси олдида ўз келажагини кўра олиш ёки қуришга киришишдек улкан вазифалар туради. Айримлар касб-ҳунар коллежига йўл олса, баъзилар академик лицейга кириб ўқишни орзулайди. Яна бир қанча ўсмирларнинг ўқиши ўз қадрдон мактабида давом этади.

Мен учун ўқишни академик лицейда давом эттириш афзал бўлиб туюлди. Бахмал туманидаги 8-ўрта мактабнинг IX синфини тамомлагач, Тошкентга қараб отландим. Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номидаги академик лицейнинг таърифу тавсифи ҳақида эшитгандим. Ана шу даргоҳ ўқувчиси бўлиш, келгусида олий ўқув даргоҳи талабалигига қабул қилиниш орзусида янги ўқув йилини нуфузли таълим масканида бошлаганимдан хурсандман. Лицейда умумтаълим дастуридан фарқлироқ, дарслар чуқурлаштирилган тарзда олиб борилар экан. Бу эса қабул қилинган ўқувчиларнинг келажакда турли олий таълим даргоҳларига кириб ўқишларида фақат етакчи омил бўлиши мумкин.

XXI аср интеллектуал ёшлар асри бўлади, дея Президентимиз башорат қилган эдилар ва бу гапни ҳар бир йигит-қиз ўзига тегишли деб билади. Чунки янги аср чиндан ҳам шундай хусусияти билан ажралиб туради. Ақл-заковат бобида бир-биридан қолишмайдиган ёшлар учун энг замонавий типдаги таълим муассасалари хизматда. Таълимда ички мазмуннинг юқори даражага кўтарилиши, энг замонавий технологиялар, тарбиявий характердаги катта-кичик тадбирлар... Қисқаси, ҳаммаси ёшлар учун. Биздан эса ўқиш, уқиш, билим ва малака эгаллаш талаб қилинади, холос.

**Шухрат ЭРГАШЕВ,**
**С.Сирожиддинов номидаги ЎзМУ академик лицейи ўқувчиси**

**1-oktabr — Oʻqituvchilar va murabbiylar kuni umumxalq bayrami oldidan**

**Кўпинча шундай бўлади: бирор олий ўқув юртига ўқишга кирган ва кира олмаган мактаб битирувчисининг хаёлидан дастлаб ўқувчилик давридаги ҳаёти ўтади. Талаба бўлган абитуриент «муаллимларимга раҳмат» деган хаёл оғушида бўлса, абитуриент деган номни яна бир йил «кўтариб» юришга мажбур бўлган битирувчи «афсус, ўқитувчиларнинг гапига кирмаган эканман» дея надомат чекади. Шу онларда ҳар икки тақдир эгасининг хаёлидан биринчи ўқитувчиси ўтиши ҳам бор гап. Ўн бир йил ўқиган ўқувчи талаба бўлган масрур онларида биринчи марта муаллимига чин дилдан раҳмат айтади балки...**



**Ҳа, бошланғич синф ўқитувчиси бўлиш кишидан чуқур билим ва масъулият талаб қилади. Ахир қайси муаллим шогирдининг ўзи ҳақида номақбул гап айтишини хоҳлайди?! Кимдир «бошланғич синф ўқитувчисига осон, чунки боғчадан чиқиб, мактабга келган бола ҳамма нарсани билади ёки уларни шунчаки алдаб ўтириш мумкин», дея буткул нотўғри ўйда бўлади. Лекин бошланғич синф муаллимларига икки ҳисса ортиқ масъулият юкланади. Чунки мактабга илк қадам қўйган бола аслида ҳамма нарсани билишни хоҳлайди, шу боис ҳам у қизиқувчан ва нигоҳлари ҳайратли бўлади. Биринчи марта мактаб партасига ўтирган ўқувчи дунёни ўқитувчи нигоҳи билан кўради. Шу паллаларда муаллим ҳам дунёни болалар кўзи билан кўра олиши лозим...**

# РАҲМАТЛАРГА ЛОЙИҚ НОМ

## СОВҒАНИНГ КУЧИ

... 1955 йил 5 июнь куни Акромжон ҳар доимгидан вақтлироқ уйғонди. Шу куни у онасидан ҳам эрта уйғонмоқчи эди. Лекин ундай бўлмади: барибир онаси ундан эрта турибди. «Доим шунақа-я...» деганча Акромжон юз-қўлини ювиб, онаси тайёрлаган нонуштани тановул қилишга тушди. Бу орада отаси ҳам туриб, нонуштага қўшилди.

— Кеча бригадирлар билан йиғилиш ўтказдик. Кеч келдим. Ухлаб ётган экансан, бугун бозорга олиб тушмоқчи эканимни сенга айтмоқчи эдим, — деди у ўғлига қараб.

Акромжон «нега?» дегандек эндигина ёнларига келиб қўшилган онасига қаради. Чунки отаси жамоа хўжалиги раҳбари, эрта кетиб, кеч келади уйга, пахтани навбатдаги суғоришдан чиқариш иши билан бригадама-бригада юради; хуллас, Акромжон онасига саволомуз боққанида унинг жилмайиб турган юзидан шу нарсани уқди: «ахир бугун сенинг туғилган кунинг-ку!». Акромжон бундан ҳайрон бўлмади, негаки, бугун туғилган куни эканини ўзи ҳам биларди ва шунинг учун эрта турганди. Лекин отасининг бозорга олиб тушмоқчи эканини эшитиб, хурсанд бўлиб кетди.

Ўғлининг яқинда мактабга чиқишини билган отаси бозордан унга барча керакли нарса — буюмларни олиб берди. Акромжонга айниқса янги сумка ёқиб қолди: тезроқ мактабга борсайдим...

— Китоб олмадик-ку, ота, — деди у уйга келгач.

— Китобни мактабдан беришади, — деди отаси юкларни онасига топшираётиб.

Шу-шу Акромжон кун санай бошлади. Кунда-кунора бўш сумкани тақиб кўрар, мактабга борадиган кун яқинлашгани сари отаси олиб берган янги кийимлару буюмлар кучи билан онаси айтган ҳар бир ишни сидқидилдан бажарарди...

## ОРЗУ ТИНИҚЛАШДИ

1955 йилнинг 1 сентябрида Андижон туманидаги Бўтақора қишлоғида жойлашган 28-мактаб кўплар қатори яна бир билимга чанқоқ қоракўзни ўз бағрига чорлади. 1-синф журналига «Нуралиев Акромжон» деган исм-шариф ҳам ёзиладиган бўлди. Бошланғич синф ўқитувчиси Қамбархон Абдуллаева ўзига тикилиб турган болакайларга дунёни англаш сири — ўқиш, ёзишни ўргата бошлади. Акромжоннинг сумкаси ҳам дафтар-китобга тўлди. Онаси боғча мудираси эмасми, ўғлига ўқиш фақат дафтар-китобга тўла сумкани кўтариб, мактабга бориб-келишдангина иборат эмаслигини уқтирарди. Акромжон ҳам буни тушуниб борар, гоҳ она тили ва адабиёт фанидан дарс берган Абдуқаҳҳор Отахоновга ўхшагиси келса, баъзида математика фани ўқитувчиси Минура Гимадиевадек билимдон муаллим бўлгиси келар, гоҳида синф раҳбари, биология фани ўқитувчиси Олимхон Қосимовдай устоз бўлишни истар, Эргашбой Раҳмонов ўтадиган меҳнат фани дарси ҳам уни бефарқ қолдирмасди.

Шу тариқа йиллар йилларни ўтмишда қолдираверди. Энди Акромжон қайси муаллим қай фанни яхши ўтса, ўша ўқитувчидек бўлишни орзу қиладиган даврдан ўта бошлади. Чунки унинг орзуси анчайин тиниқлашган, Акромжон муаллим бўлишга қатъий қарор қилган эди.

## «МЕН ЎҚИТУВЧИМАН»

Акромжон Нуралиев 1963 йилдан бошлаб ўқишни тумандаги 27-мактабда давом эттирди. Уч йилдан сўнг мактабни битириб, иш фаолиятини ўзи таҳсил олган 28-мактабда котиблик вазифасидан бошлади. Орадан яна бир йил ўтиб, педагогик фаолиятини бошлади: у энди ёшлар етакчиси эди. 1968 йил 1 октябрдан бошланғич синф ўқитувчиси бўлган Акромжон орзусига тобора эришаётганидан мамнун эди. «Мен энди ўқитувчиман. Лекин ёшларнинг чуқур билимга эга бўлиши учун ўқитувчи улардан кўп маълумотга эга бўлиши керак. Бунинг учун мен яна ўқишим лозим». Ўз вақтида ўйланган режа Акромжонни Андижон давлат педагогика институтининг педагогика факультетига етаклади. 1975 йил институтни тугатган А.Нуралиев шу кунга қадар педагоглик касбини улуғлаб келмоқда.

Педагогик соҳадаги ҳар қандай ишни бошлашдан олдин эсланадиган «Мен ўқитувчиман» деган сўз Акромжон Нуралиевни ҳамон сергаклантиради. Бу сўз қиймати ва масъулияти уни не-не ишга ундамади дейсиз: 1988 йилда муаллимнинг иш фаолияти вилоят миқёсида оммалаштирилди. Шу йили унга «Катта ўқитувчи» унвони берилди. 1990 йилда Тошкентда ўтказилган ўқитувчилар анжуманига вакил этиб сайланди. 2001 йилда тумандаги 52-мактабга директор этиб тайинланган Акромжон Нуралиев учун шу йил янада омадли бўлди. Узоқ йиллик меҳнатлари қадр топиб, унга мамлакат раҳбари фармони билан «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвони берилди.

2002 йил сентябрь ойидан буён жонкуяр муаллим Андижон туманидаги ёш ўқитувчиларга янги педагогик технологияни кенг тарғиб қилиш мақсадида туман ХТБ методика кабинетида фаолият юритиб келди.

Республикамизда қишлоқ мактабларига бўлаётган алоҳида эътибор, улардаги мавжуд шарт-шароитларни тубдан ўзгартириш хоҳлаймизми, йўқми таълим муассасаси раҳбарига катта масъулият юклайди. Шу маънода яқинда туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими Акромжон акага 28-мактабга директорлик қилишни таклиф этишди. Бу борада тажрибага ва билимга эга бўлган домла ҳеч иккиланмай таклифга рози бўлди. Зеро, тинимсиз фаолият, кишиларнинг бошини бирлаштириб, мақсад сари дадил интилиш Акромжон ака табиатига хос бўлган хусусият.

## СЎНГСЎЗ

Сўзимиз аввалида таъкидлагандик: ўқувчи талаба бўлган ва бўла олмаган маҳалда дастлаб ўқитувчисини эслайди. Шу кунга қадар Акромжон Нуралиевнинг шогирдларидан эшитган раҳматини санаб адо этиш мушкулдир-у, лекин у ҳақида шогирдларидан бирор ёмон сўз ҳам эшитишмаганини жонкуяр муаллимни танийдиганлар тасдиқлашади. Сўнгги йилларда эса, 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрамида домлани мактабга, уйига йўқлаб келадиганлар бу одатларини анъанага айлантиришган. Зеро шодиёнадан ҳам мақсад айнан шу.

**Шерали НИШОНОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# «МЕНИНГ ИККИНЧИ ОНАМ»

Дунёда инсон учун энг мўътабар зот она, энг олий зот устоз ҳисобланади. Устоз деганда кўз олдимизга болалигимизда қўлимизга қалам тутқазиб, алифбони ўргатган, маърифат ёғдусини тарқатувчи сиймо гавдаланади.

Мактабимизда тарих фанидан дарс берувчи синф раҳбаримиз Нурхон опа Чориева мен учун иккинчи она вазифасини ўтарди. Устозимиз Қарши шаҳридаги 1-мактабга ишга келганининг илк кунларидаёқ ўқувчилар меҳрини қозонди. У чиройли тарзда дарс ўтиши, хушмуомалалиги билан кўплар қатори мени ҳам ром этганди. Бирор мавзуни тушунмасам ёки фан менга қийинчилик туғдирса, Нурхон опа қўлларидан келганча ёрдам берарди.

Синфимиздаги барча ўқувчига ширинсўз эди. Ўқувчилар ўртасида ҳар қандай низо бўлмасин, уларни дарҳол бартараф этарди. Бизнинг муаммоларимизга ўзининг муаммоси деб қарар ва уларни биз билан баҳамжиҳат ҳал қиларди. Уни ана шу жиҳатлари учун ҳам қадрлардик.

Уларнинг бизга қилган яхшиликлари беҳисоб. Синфимиздаги бир бола математика фанидан ёмон баҳо олганида Нурхон опа математика ўқитувчисидан уни қайтадан имтиҳон қилишни илтимос қилганлари эсимда. Синфимиздаги қайси бир ўқувчи тоби қочиб, бир неча кун мактабга келмагудек бўлса, биз синф раҳбаримиз бошчилигида ундан хабардор бўлиб турган пайтларимиз ҳам бўлган. Бир куни мактабимиздан анча узоқда турадиган синфдошимизнинг мазаси бўлмай, ўқишдан қолганида Нурхон опа барчамизни йиғиб, унинг аҳволидан хабар олиб келамиз деб қолди. Шунда мен синф раҳбаримиз биз учун қанчалик қайғуришларини тушуниб етдим.

Ой-кунлар ўтиб, мактабни тамомладик. Йиллар ўтди. Нурхон опа эса ҳали-ҳануз биздан хабардор бўлиб туради. Ҳаттоки уйимизга йўқлаб келадиган одатлари ҳам бор. Қайси ўқувчилари қайси кунда туғилгани ҳам ёдларида. Туғилган кунларимизда бизларни табриклаб қўйишни ҳам канда қилмайди.

Барчамиз ҳар жойга тарқалиб кетганимизга қарамай, Нурхон опа йилда икки марта биз синфдошларни тўплаб, учрашув уюштиради. Бизга ҳар доим бир-бирингизни унутманг, йиллар давомида ўртангиздаги ана шу илиқ муносабатни сақлаб қолинг, деб маслаҳат беради.

Ўрни келганда бизни койийдилар ҳам ва бу бизнинг фойдамиз учунлигини ҳам барчамиз биламиз, албатта.

Биз собиқ ўқувчилар ҳам синф раҳбаримизни кўргани гоҳ-гоҳида мактабга, уйларига бориб турамиз. Аммо бизнинг бу йўқлашларимиз уларнинг бизга қилган яхшиликлари, хизматларининг ўрнини боса олмайди.

Мустақил ҳаётга қадам қўйганимдан сўнг, устозимнинг менга қанчалик азиз эканлигини англадим. Улар берган сабоқ ҳозирги кунга келиб, менга жуда асқотаяпти. Устозимиз биз ўқувчиларга билим бериш билан бирга одамларга нисбатан мурувватли, меҳрибон, садоқатли бўлишни ўргатдилар ва, энг аввало, ҳақиқий инсон бўлиб етишишимизга кўп куч сарф қилдилар.

Мен устозимнинг ҳеч қачон кишиларга зиё нурини таратишдан толиқмасликларини истайман.

Устозим ва барча муаллимларни касб байрами билан қутлайман.

**Гавҳар ТАТАЕВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

*Maktab-internatda tarbiyalanayotgan o'g'il-qizlar ta'mirlangan, barcha sharoitlar bor maskanda istiqomat qilishni, o'qishni va sport bilan shug'ullanishni anchadan buyon orzular edilar.*



*2004-yil — Mehr va muruvvat yili*

# ОРЗУДАГИ ҲАДЯ

Пахтаобод туманидаги 31-етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар мактаб-интернати бундан ярим аср илгари қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. 250 бола ўқиб, яшайдиган бу маскан анча таъмирталаб бўлиб, шароитлари ҳам унча яхши эмас эди.

Меҳр ва мурувват йилида вилоят "Пахтасаноатсотиш" ҳудудий бирлашмаси (раиси А.Фозилов) болалар уйини капитал таъмирлашни ўз зиммасига олди. Вилоят савдо таъминоти масъулияти чекланган жамиятининг капитал қурилиш корхонаси (бошлиғи Т.Қаюмов) билан шартнома тузиб, 120 миллион сўм маблағ ажратди. Корхона 2,5 ой ичида мактаб-интернатни тўла капитал таъмирдан чиқарди. Бино томлари янгиланди. Ётоқхона, ўқув хоналари замонавий кўринишга эга бўлди. Энг асосийси, иситиш тизими яхшиланди. Қурилиш корхонаси мактаб-интернатда боғча ёшидаги кичкинтойлар ҳам борлигини ҳисобга олиб, болалар майдончасини бепул қуриб берди. Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида капитал таъмирланган мактаб-интернатни топшириш маросими бўлди. Тадбирда вилоят ҳокими С.Бегалиев болаларни табриклаб, махсус совғалар ҳамда 3 миллион сўмлик спорт кийимлари ажратилганлигини билдирди.

"Ўзбекистоненгилсаноат" давлат акционерлик компанияси раиси А.Баҳромов мактаб-интернат жамоасига бир миллион сўмлик чек топширди.

Ҳомий ташкилотлар ҳам ўз совғаларини инъом этдилар.

Мактаб-интернат директори Қ.Исоқов, "Нуроний" жамғармаси туман бўлимининг раиси М.Давронов кўрсатилган мурувватлардан мамнун эканликларини билдирдилар.

Мактаб-интернатда тарбияланаётган ўғил-қизлар таъмирланган, барча шароитлар бор маскандa истиқомат қилишни, ўқишни ва спорт билан шуғулланишни анчадан буён орзулар эдилар.

Мактаб-интернатда яратилган шароитлар, сифатли таъмирланган ўқув хоналари уларнинг орзуларидаги ҳақиқий ҳадя бўлди.

**О. СИДДИҚОВ**

# ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ УЧУН СТИПЕНДИЯ

*Tadbir*

*Бугунги кунда Ўзбекистон ёшлари ҳам дунёга чиқиш, ҳар дақиқада илдамлаётган замон билан ҳамнафас бўлиш учун ўзларининг бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Бу мақсадларини амалга ошириш учун эса уларга чет тилларини ўрганиш ниҳоятда зарур.*

*Тошкентдаги Тил ўрганиш марказида АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Пурнелл пойтахтдаги 167-, 40-умумий ўрта таълим мактабларининг 6-9-синфларда таҳсил олаётган 22 нафар ўқувчига «Фахрий стипендиялар» шаҳодатномасини тақдим этди. Ушбу ўқувчилар, АҚШ давлат департаменти шу йили бошлаган ACCESS микростипендиялар дастурининг илк иштирокчиси сифатида бундай муваффақиятга эришдилар. Мазкур дастур молиявий имконияти бўлмаган, лекин қўшимча билим олишга иштиёқманд ёшларнинг инглиз тилини ўрганишларига кўмак беришга қаратилган. Иштирокчилар бу шаҳодатномани қўлга киритиши билан Чорсуда жойлашган Тил ўрганиш марказида икки йил мобайнида инглиз тили курсига қатнайдилар, ёзда эса инглиз тилини ўрганиш лагерига борадилар. Бу ўқувчилар қандай йўл билан танланди, деган саволимизга Жон Пурнелл шундай жавоб берди:*

*— Биз Тошкент шаҳри ҳудудидаги ушбу мактаблардаги ўқувчиларнинг шароитларини ўрганиб, мактаб директорлари билан суҳбатлашдик. Ҳозирча 22 нафар ўқувчи танланди. Агар ушбу лойиҳамиз самарали кечса, кейинчалик бутун республика бўйлаб 250 нафар ўқувчига мўлжалланган «Фахрий стипендиялар» жорий этамиз. Мақсадимиз таълим соҳасида Ўзбекистонга оз бўлса-да, ёрдам бериш.*

*АҚШ элчихонаси томонидан тақдим этилган 20 минг АҚШ доллари миқдоридаги молиявий кўмак ўқитувчилар маоши, китоб-дафтарлар, аудио-видео жиҳозлар ва ўқувчиларни марказга элтиб қўювчи транспорт харажатларига сарфланади. Шунингдек, стипендияларни топшириш маросимида сўзга чиққан ЎзДЖТУ ректори Ғайрат Шоумаров, Тил ўрганиш маркази мудири Аббос Ирисқулов ва АҚШ элчихонасининг инглиз тили мутахассиси Лиза Харшбаргер ҳам ўқувчиларга бошланажак машғулотларни ўтказишда муваффақият тиладилар.*

**МУХБИРИМИЗ**



**Чироқчи туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги боғча-мактаб интернати тарбиячи-мураббийлар жамоаси янги ўқув йилини ўзгача тараддуд билан бошлашди. Синфхоналарни янги жиҳозлар ва гуллар билан безаб хушкайфият билан давом эттиришмоқда. Тарбиячи Замира Холбозорова ўрта гуруҳ тарбияланувчиларига Ватанимиз рамзлари ҳақида ҳикоя қилиб бермоқда.**

**Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**



# «КАМОЛОТ» ХАБАРЛАРИ

*«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар ҳокимияти кўмагида «Ёзни «Камолот» билан» шиори остида бир қатор лойиҳаларни амалга оширди. Мазкур лойиҳаларнинг мақсади ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёз давомида мароқли дам олишни таъминлаш, ишга жойлашмоқчи бўлган ёшларга ёрдам беришдан иборат эди. Лойиҳа асосидаги тадбирлар июнь-август ойларида бўлиб ўтди.*

*«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими кам таъминланган оила фарзандлари учун ёз мавсумида пойтахтдаги 25 та мактабда ёзги оромгоҳ ташкил қилди. Тузилган ҳар бир оромгоҳга 100 нафар бола жойлаштирилди. Сардорлар 18 кун давомида оромгоҳларда турли хил маданий, кўнгилочар, тарбиявий ҳамда спорт тадбирларини ташкиллаштириш билан шуғулландилар. Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан тузилган бу каби оромгоҳларда 2400 нафар бола дам олди.*

*Шунингдек, олий ўқув юрти талабалари учун ёзги амалиёт ишлари ташкил қилинди. Ҳар бир ўқув юртида 15 кишидан иборат 2 гуруҳ тузилиб, улар пойтахтдаги махсус тайинланган маҳаллаларда амалиёт ишларини ўтадилар. Ушбу акцияда Тошкентдаги 96 та маҳалла иштирок этди. Талабалардан иборат ушбу ижодий гуруҳ, маҳаллаларда ёшлар билан терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик ҳамда ОИТС мавзуларида учрашувлар ўтказишди. Бундан ташқари, маҳалла ёшлари ўртасида спорт мусобақалари, театрлаштирилган томошалар ҳамда концертлар уюштирилди. Мазкур акцияда эса Тошкент давлат юридик институти, Тошкент давлат ислом университети, Ўзбекистон давлат консерваторияси, 1-Тошкент давлат тиббиёт институти, Тошкент давлат санъат институти, Тошкент давлат маданият институти талабалари фаол қатнашдилар.*

**«Камолот» ЁИҲ, Тошкент шаҳар бўлими матбуот хизмати**

*Amaliy mashg'ulotlar*

***Ҳозирги илм-фан, техника ва саноат жадал ривожланаётган, ижтимоий, экологик ҳолат кескинлашиб бораётган пайтда мактабларда кимё фанини мазмун жиҳатдан янгича ўқитиш бир томондан зарурият бўлса, иккинчи томондан, замон талабидир. Кейинги пайтлардаги кузатишлар шуни кўрсатаяптики, ўқув дастурларини шунчаки ўзгартириб, яъни уни соддалаштириб ёки мураккаблаштириб, шунингдек, унга қайсидир янги материални киритиб ёки бирор эски материални чиқариб ташлаб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу маънода айтиш жоизки, кимё дарси ва машғулотлари мазмуни имкони борича болалар атрофини ўраб турган муҳитдаги ҳаёт, турмуш ва ишлаб чиқариш ҳамда ўқувчиларнинг орттирган билим ва кўникмалари билан боғланган бўлиши лозим. Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 9-мактабнинг кимё фани муаллимаси Лайло Аҳадованинг бир соатлик дарси (7-синф) ҳам машғулотлар жараёнида ўқувчиларга экологик, иқтисодий тарбия бериш жиҳатларини қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир.***

# ТУЗЛАРНИНГ ФИЗИК, КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ ҚАНДАЙ ЎРГАНИЛАДИ?

**Мавзу:** Тузларнинг хоссалари ва ишлатилиши.

**Шиор:** Билимдонлик, чаққонлик, зийраклик!

**Дарснинг мақсади:** 1. Ўқувчиларга тузларнинг физик, кимёвий хоссалари, уларнинг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида билим бериш. 2. Экологик, иқтисодий маданиятни шакллантириш, фанга қизиқиш руҳида тарбиялаш. 3. Тафаккур, хотира, идрок машқлари орқали билим, кўникма, малакаларини ошириш.

**ДТС талабларига биноан:** Тузлар, уларнинг таркиби, хоссалари, аҳамиятини ўргатиш.

**Касбга йўллаш:** Тадбиркор, воситачи, кимёгар касбларининг айрим қирралари билан таништириш.

**Дарснинг услуби:** Қолипсиз дарс тили, "ақлий ҳужум", муаммоли вазият, кўргазмали суҳбат, масалалар ечиш.

**Дарснинг жиҳозы:**

$BaCl_2$, $FeCl_3$, $Na_2CO_3$, $H_2SO_4$, KJ, NaOH, $CaCl_2$, $CuSO_4$, Fe, $H_3PO_4$, NaCl, $CaCO_3$, $(NH_4)_3PO_4$, $KNO_3$, $NH_4NO_3$, ...

пробиркалар, лакмус, фенофталин, тарқатма материаллар, кодоскоп, магнитли карточкалар.

**Дарснинг бориши:** Шиор асосида синф ўқувчилари 3 гуруҳга бўлинади: 1. Билимдонлар. 2. Чаққонлар. 3. Зийраклар. Дарс охиригача гуруҳлар орасида мусобақа ташкил этилиб, якунлашда ғолиб гуруҳ эълон қилинади. Дарс жараёнида рағбат карточкаларидан ("3" — сариқ, кўк — "4", қизил — "5" баҳоларни билдиради) фойдаланилади. Бир ўқувчи 1 та сариқ, 1 та қизил карточка олса (3+5=8:2=4), "4" баҳо бўлади. Баҳолар йиғиндиси жамоаларнинг йиққан балини билдиради.

Шу куннинг муҳим янгиликлари, ўтилган мавзулар ўқувчилардан сўралади, умумлаштирилади. Ўтган мавзулар асосида 7—8 нафар ўқувчига тарқатма материаллар тарқатилиб, баҳоланади (3—5 мин.).

Янги мавзу баёни.

Режа:

1. Физик хоссалари.
2. Кимёвий хоссалари.
3. Ишлатилиши.
4. Тестлар.

1. Тузларнинг физик хоссалари ҳақида ўқувчиларнинг фикрлари тингланади, умумлаштирилади.

Тузлар суюқ, қаттиқ-кристалл ҳолатларда бўлади, қайнаш, суюқланиш ҳарорати юқори, ширин (береллий, кумуш тузи), нордон(кислотали) тузлар, мазасиз(сувда эримайдиган) тузлар бўлади. (Барчасига мисоллар имкониятдан келиб чиқиб кўрсатилади.)

2. а) (Магнит карточкалари ёрдамида қуйидагилар ёзилади.)




Ўқувчилар, юқоридаги ёзувдан нимани тушундингиз, у қайси реакция турига киради? Кимёвий белгилар ёрдамида шу реакцияни ким доскада ёзади? Демак, 1-кимёвий хоссали тузлар қиздирилганда парчаланади.

1-масала. 50 кг $Mg(HCO_3)_2$ парчаланганда, қанча ҳажм карбонат ангидрид ҳосил бўлади?

в) Бир ўқувчидан пробиркага 1 мл $BaCl_2$ эритмасидан устига 0,5 мл $H_2SO_4$ томизиш, иккинчи ўқувчидан эса шу реакциянинг тенгламасини ёзиш сўралади.

$BaCl_2 + H_2SO_4 \rightarrow BaSO_4\downarrow + 2HCl$ (муҳит аниқланади.)

Хулоса: Тузлар кислоталар билан реакцияга киришиб, янги туз, янги кислота ҳосил бўлади.

2-масала. 10 г $BaSO_4$ ҳосил бўлиши учун неча грамм барий хлорид сульфат кислота билан реакцияга киришиши керак?

с) 3-кимёвий хоссаси тузлар, асослар билан реакцияга киришади. Шу ерда мавжуд реактивлардан фойдаланиб, тажрибани ким бажариб кўрсатади? Иккинчи ўқувчи реакция тенгламасини доскада ёзади.

$FeCl_3 + 3NaOH \rightarrow$
$Fe(OH)_3\downarrow + 3NaCl$

(муҳит аниқланади.)

3-масала. 40 г NaOH тўлиқ реакцияга киришиши учун қанча темир (III)-хлорид керак?

d) Қуйидаги реакцияни изоҳланг.

$KJ + AgNO_3 \rightarrow KNO_3 + AgJ\downarrow$

Демак, тузлар **тузлар** билан реакцияга киришади.

4-масала: 0,5 моль кумуш нитратдан юқоридаги реакция орқали неча грамм чўкма олиш мумкин?

е) Қуйидаги тажриба орқали тузларнинг қайси хоссалари кўрсатилган? (Тажриба бир кун олдин бажариб қўйилади.) У қайси реакция турига киради?

$CuSO_4 + Fe \rightarrow FeSO_4 + Cu$

Хулоса: Баъзи металлар туз эритмаларидан ўзларига нисбатан **пассивроқ металлар**ни сиқиб чиқарадилар.

3. Ишлатилиши ўқувчилардан сўралади, умумлаштирилади.

$KNO_3$, $NaNO_3$, — $NH_4NO_3$ селитралар.

$(NH_4)_3PO_4$, $Ca_3(PO_4)_2$ — фосфорли ўғитлар.

$FeSO_4 \cdot 7H_2O$, $CuSO_4 \cdot 5H_2O$ — экин зараркунандаларига қарши ишлатиладиган воситалар.

$CaCO_3$ — оҳактош, мармар, бўр. NaCl — ош тузи.

Жараёнда мавзуга оид тестлар ҳам ишланади.

### ТЕСТЛАР

Қуйида келтирилган реакцияларнинг қайси бирида туз ҳосил бўлади?

а) $Na + O \rightarrow$ c) $Na + HCl \rightarrow$
b) $K_2O + H_2O \rightarrow$
d) $KNO_3 + H_2O \rightarrow$

2. Оҳакли сув орқали карбонат ангидрид ўтказилганда қандай моддалар ҳосил бўлади?

1) $Ca(OH)_2$ 2) CaO,
3) $H_2O$, 4) $CO_2$, 5) $CaCO_3$
a) 1, 3 b) 2, 4
c) 1, 5 d) 3, 5

3. Қуйида берилган тузлардан қайси бирининг таркибида темирнинг фоиз миқдори энг кўп?

а) $FeCl_2$ b) $FeCl_3$
c) $Fe(NO_3)_2$ d) $Fe_2(SO_4)_3$

4. 80 г мис сульфат етарли миқдордаги темир билан реакцияга киришганда қанча туз ҳосил бўлади?

а) 64, b) 76, c) 96, d) 152.

5. 150 г 12 % ли ош тузи эритмасини буғлатиб, қуритиб, қанча туз олиш мумкин?

а) 18, b) 12, c) 9, d) 24.

6. 0,5 mol оҳактош парчаланганда, нормал шароитда ўлчанган қанча ҳажм газ ажралиб чиқади?

а) 44,8 л, b) 22,4 л,
c) 11,2 л, d) 5,6 л

7. Кислота ва асослар реакцияга киришганда қандай моддалар ҳосил бўлади?

а) янги кислота, янги асос;
b) оксид, янги кислота;
c) кислота, туз;
d) туз, оксид.

8. Қандай реакция натижасида $Pb(NO_3)_2$ эритмасидан қўрғошин ажралиб чиқади?

а) $Pb(NO_3)_2 + Cu \rightarrow$
b) $Pb(NO_3)_2 + Fe \rightarrow$
c) $Pb(NO_3)_2 + Hg \rightarrow$
d) $Pb(NO_3)_2 + Ag \rightarrow$

Шунингдек, ўқувчиларга қизиқарли саволлар(кодоскопда) ва фойдали маслаҳатлар берилади:

1. Сиз эрталаб нонуштадан олдин қайси туздан фойдаланасиз?
2. Олманинг кесилган жойи нима учун қўнғир тусга киради?
3. Нима учун дистилланган сувдан доимо истеъмол қилиш ярамайди?
4. Қишлоқ хўжалик экинларининг қайси бири селитра талаб қилмайди?
5. Қайси туз киприкка суркалади?
6. Энг тоза туз қайси?

* * *

Тухум оқсилини ийлаб, жуда тез кўпиртириш учун унга бир чимдим туз солинг.

Қоврилган жигар юмшоқ ва ширали бўлсин десангиз, қовуриш пайтида туз солманг.

Хонадаги чумолини йўқотиш учун уларнинг йўлига туз сепинг.

Сабзавотлар сода солинган сувда пиширилса, таркибидаги С витамини парчаланмайди.

**Уйга вазифа:**

$Ca \rightarrow CaO \rightarrow CaCl_2 \rightarrow CaCO_3$
$Ca \rightarrow Ca(OH)_2 \rightarrow CaO \rightarrow CaSO_4$

Ўзгаришларни амалга ошириш имкон берадиган реакция тенгламаларини ёзинг.

**Лайло АҲАДОВА,**
**Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Алишер Навоий номидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани муаллимаси**

*Siz nima deysiz?*

# АЙТАМАН ДЕСАМ, ГАП КЎП...

Мактабимизда ҳар сешанба куни ўтказиладиган умумий йиғилишда директор М.Акбаров бошчилигида “Ma'rifat”да чиқаётган энг долзарб мавзуларда ёзилган мақолаларни ўқиб чиқамиз, муҳокама қиламиз. Ҳамкасбларимиз фикрларининг биз айтмоқчи бўлган гаплар билан ҳамоҳанглигидан, улар биздан кўра олдинроқ бу фикрлар билан ўртоқлашганидан қувонамиз.

Газетада чиқаётган “Акс-садо”, “Меҳмонхона”, “Сиз нима дейсиз?”, “Қўнғироқ чалингунча” рукни остида берилаётган мақолалар бизга жуда ёқади. Айниқса, ҳозирги кундаги таълим-тарбия соҳасидаги ютуқлардан қувонамиз, шу билан бирга айрим муаммолар, камчиликлар бизни ҳам ўйлашга, фикр юритишга ундайди.

Таълим-тарбия барчанинг иши бўлмоғи кераклигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шу ўринда бадиий адабиётлар, газета-журналлар ҳақида айрим фикрларни билдирмоқчиман. Кўпинча ўқувчиларимизни китоб ўқимасликда айблаймиз. Сабабини турлича изоҳлаймиз. Тўғри, ҳамма замонларда ҳам китобни ўқувчи, ардоқловчилар бўлган. Масалан, мендан кўпгина ўқувчиларим яхши китоблар олиб келиб беришимни илтимос қилишади. “Чоликуши”, “Тақдир”, “Ойбегим менинг”, “Чорак аср ҳамнафас”, “Тушда кечган умрлар” каби китобларни бутун синф қўлма-қўл ўқийди.

Лекин, очиғини айтадиган бўлсак, ҳозирги кунда китоб магазинларида яхши, ўқийдиган бадиий етук китоблар жуда кам. Кутубхоналаримизда ҳам бадиий китоблар бармоқ билан санарли.

Ҳозирги кунда турли газета-журналлар нашри ниҳоятда кўпайиб кетди. Масалан, “Даракчи”, “Кўнгил”, “Ҳамроҳ”, “Садо” ва ҳоказо номдаги газеталаримизда кўпроқ олди-қочди гаплар, тарбияга нафи тегмайдиган ҳикоя, мақолалар эълон қилинмоқда. Уларда шарқона ҳаёт тарзига, оила бутунлиги, урф-одат ва удумларимизга бутунлай ёт бўлган воқеалар тафсилотлари рўй-рост, очиқ ёзилади. Буни эса оилада ота ҳам, қиз ҳам, ўғил ҳам ўқийди. Энди бу ўқувчига “Ўтган кунлар”даги Кумушнинг ибоси ғайритабиий туюлади. Шундай қилиб, ўқувчиларимизда ҳисни эмас, ҳирсни тарбиялаяпмиз. Худди шундай телевидениеда намойиш этилаётган айрим сериаллар ёшларимизнинг ҳаётни енгил-елпи тушунишига хизмат қилаяпти.

Инсон психологиясидан шу нарса маълумки, одам ўзи учун сирли бўлган ва таъқиқланган нарсаларни билишга интилади. Жиноятлар, уларнинг тафсилотлари тўғрисидаги “Қилни қирқ ёриб” кўрсатуви мустақил ҳаёт бўсағасида йўлини топа олмай турган ўсмирларга тайёр кўрсатма бўлиши бир ўйлаб кўрилса яхши бўлар эди.

Қўшиқлар. Баъзан уч-тўртта одам тўпланиб туриб қўшиқ эшитсанг, қўшиқларнинг уятсизлигидан беихтиёр юзи қизаради кишининг.

Юқоридаги фикрларнинг ҳаммаси тарбияга алоқадор бўлганлиги учун ҳам тўхталишга тўғри келди. Ўқитувчи мактабда тўғрилик, ҳалоллик, севги-вафо, инсонийлик ҳақида гапирса-ю, ўқувчи теварак-атрофда аксини эшитса, ота-онадан бошқача тарбия олса, ўқитувчи ўқувчининг олдида кулгили ҳолатда қолмайдими? Унинг насиҳати, ўгитлари баландпарвоз гаплардек туюлмайдими?

Яна бир мулоҳаза. Телевидениеда жуда кўп кўрсатувлар бор. “Дийдор”, “Бегойим”, “Азизим”, “Кутилмаган меҳмон”, “Мезон”, “Томир”, “Мухлис” ва ҳоказо. Бирорта кўрсатув йўққи, муаллим ҳақида, унинг муаммолари, изтироблари, ўқитувчининг ҳозирги кундаги обрўси, қиёфаси, турмуш тарзи ҳақида фикр юритса... Аслида ўша қаҳрамонлар артисту ёзувчиларни, хонандаю созандани, шоиру олим, чемпиону сиёсатдонларни ҳам оддий ўқитувчи ўқитган-ку?!

Ҳозир сир эмас, ўқувчилар ўқитувчи бўлишни хоҳламайди. Сабаби маълум. Ўқитувчининг меҳнати машаққатли, бундан ташқари бой ҳам эмас. Бу ҳам етмагандек турли латифа, ғийбатлар ҳам ўқитувчи ҳақида. Сўз устаси Ҳ.Тожибоевни жуда ҳурмат қилар эдим. Ўқитувчилар ҳақидаги латифасидан кейин кўнглим қолди.

Айтаман десам гап кўп...

Тарбия кўп қиррали ва мураккаб жараён. У билан ҳамма — ота-она, мактаб, матбуот, телевидение ва радио оқилона, эҳтиётқорона шуғулланиши керак.

Мақсадимиз буюк давлат қуриш экан, бу давлатнинг фарзандлари ҳар томонлама, яъни ақлан, жисмонан, маънан соғлом бўлишлари керак. Бунинг учун барча ҳамжиҳат бўлмоғи зарур. Шундагина аждодларимиз қолдирган мерос — Ватанни авлодларимизга обод, озод ҳолда келажакка етказадилар.

Бунинг учун эса тарбия, тарбия ва яна тарбия керак.

**Э.ДЕҲҚОНОВА,**
**Фарғона вилоятининг Қува туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси**

---

*Taqriz*

# ҚЎЛЛАНМАНИНГ ҚУЛАЙЛИГИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини ўқув жараёнига татбиқ этишнинг сифат босқичи жадал ва самарали суръатда амалга оширилмоқда. Бу жараён, айниқса, бошланғич таълимда чуқур андоза ва даражаларда дарсларга жорий қилинаяпти. Шунингдек, бошланғич синф она тили дарсларини ташкил қилиш ва уни ўтказишда катта ютуқлар қўлга киритилаётир. Шу жумладан, 1-синф она тили дарсларини ҳам ДТС талаблари асосида олиб боришга эришилмоқда. Чунки она тили дарсликлари йилдан-йилга ҳар томонлама сифатли қилиб нашр этилаяпти. Демак, дарсликлар такомиллаштирилиб, янгиланиб, жаҳон андозаларига тенглаштирилиб, замонавийлаштириб борилмоқдаки, бу ҳам ДТСнинг талабларидан биридир.

Маълумки, ДТС ва унинг таркибий қисмлари “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда таълимни такомиллаштириш тўғрисидаги бошқа ҳужжатлар дарс ва дарсдан, синфдан ташқари ишларда, тадбирларда қўллашнинг моҳияти ва тамойилларини белгилаб беради.

Кейинги пайтларда ДТСни ҳаётга жорий қилишнинг маълум даражадаги амалий жавоби сифатида янгидан бир қадам қўйилди. Бир қатор нашриётлар бошланғич синфларда ўқиш ва она тили дарсларининг сифат ва самарадорлигини ошириш, ДТС талабларини бажариш мақсадида янги қўлланмаларни чоп этдилар. Бу ишларни амалга оширишда республикамиздаги бошланғич таълим жонкуярлари алоҳида намуна кўрсатишмоқда. Қўлланма ва унинг муаллифлари билан танишар эканмиз, мамлакатимизда янги-янги бошланғич таълим усталари етишиб чиқаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Демак, бошланғич таълимда ўнлаб етакчи мутахассислар етишиб чиқаётганлиги кишини қувонтиради.

Биз сўз юритмоқчи бўлган методик қўлланманинг (Ҳ.Ғуломова, Т.Ғаффорованинг 1-синф она тили дарсларини ўтувчи ўқитувчилар учун методик қўлланмаси, Тошкент, “Шарқ”, 2003 йил) яратилишини бошланғич таълим-тарбияда муҳим воқеа, деб баҳолаш мумкин. Чунки у анча йиллик танаффусдан сўнг янги тамойиллар асосида яратилган биринчи қўлланмадир. Фақат бугина эмас, китобни бошланғич синф ўқитувчилари учун муносиб, айни пайтда зарур бўлган қўлланма деб эътироф этиш лозимки, ушбу манбанинг ютуқлари талайгина.

Қўлланманинг дастлабки саҳифаларида 1-синф она тили дарслари ва “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда ДТСнинг унга қўйган талабларининг мазмун-моҳиятига тўхтаб, зарур тушунчалар билан ўқитувчиларни қуроллантиришга эътибор қаратилганлиги мақсадга мувофиқ бўлган. Шунингдек, 1-синф она тили дарсларининг ўзига хос хусусиятлари, мақсад ва вазифалари равон ва мазмунли, лўнда ва таъсирли қилиб изоҳлаб берилган. 1-синфда ўрганилиши лозим бўлган она тилининг бўлимлари кўрсатиб ўтилади, уларни ўргатишнинг моҳияти изоҳланади.

Қўлланмада 1-синф она тили дарсларида қўлланиши мумкин бўлган дарс турлари санаб ўтилади: 1. Янги билим бериш. 2. Мустаҳкамлаш. 3. Такрорлаш-умумлаштириш. 4. Текшириш дарслари каби. Китобда она тили дарсларининг қисмлари (босқичлари) бўйича андозалар, лойиҳалар тавсия этилган, лекин илғор ўқитувчилар ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, бу босқичларни янада чуқурлаштириш, кенгайтиришлари мумкинлиги таъкидлаб ўтилган. Бироқ тавсия этилган дарс бўлимлари, қисмлари ва босқичлари анъанавий ҳамда амалдаги дарс босқичларидан шакли, мазмуни ва янгиликлари билан ажралиб туришини фақат ижобий баҳолаш мумкин.

Тажрибалардан маълумки, бошланғич таълимда луғат устида ишлаш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки луғат иши ўтказишнинг дарс самарадорлигига таъсири беқиёсдир. Луғат устида ишлаш масалаларига бошланғич таълим ДТСда ҳам алоҳида йўл-йўриқлар, изоҳлар, талаблар бор. ДТСнинг бу талабларини амалга ошириш мақсадида қўлланмада она тили дарсларида луғат устида ишлашга алоҳида бўлим ва саҳифалар ажратилганлиги мақсадга мувофиқгина эмас, балки айни муддао ва давр талабидир. Бўлимда ДТСнинг таркибий қисмларидан бири бўлган ўқув дастурида луғат устида ишлаш, нутқ ўстириш соҳаларига қўйилган талаблар, йўналиш ва тамойиллар ҳақида фикрлар келтирилади ва у шарҳланади. Луғат устида ишлашнинг ўқувчилар луғат бойлигини оширишдаги ўрни қўлланмадан фойдаланувчиларга эслатилиб, таъкидлаб ўтилади.

Қўлланманинг салмоқли ютуқларидан яна бири шуки, 1-синф она тили дарсларида ўтказиладиган имловий машқлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини кенг ва мақсадга мувофиқ изоҳлаб берилиши деб баҳоламоқ лозим. Китобда имло муаммоларига ҳам катта эътибор берилган. Хусусан, қўлланманинг 13-16-саҳифаларида баъзи бир имло қоидалари ўқувчиларнинг ёшига, савиясига хос тарзда соддалаштирилиб баён қилиб берилганки, уларни ўқувчиларга ўргатиш, етказиш методларининг мисоллар орқали изоҳланиши юзасидан берилган тавсиялар ўқитувчи ва ўқувчи меҳнатини сезиларли даражада енгиллаштира олишига ишончимиз комил.

Шунингдек, имловий машқларга олдинги адабиётларга суянган ҳолда кўчириб ёзиш, таҳлиллар, диктантлар ва баёнлар киритилган. Унинг аввалги она тили ўқитиш методикасига доир адабиётлардан фарқи шундаки, қўлланмада 1-синф она тили дарсларида ўтказиладиган диктант ва унинг турларининг келтирилиши ва айримларини ўтказиш методлари шарҳлаб берилган.

Қўлланмада 37 соат мавзуга доир дарс ишланмаларидан намуналар берилган. Уларни юқори савияда ишлаб чиқилган дарс ишланмалари қаторига киритиш мумкин. Чунки келтирилган барча ишланмалар илмий, методик, психологик, педагогик ва умумдидактик талабларнинг барчасига атрофлича жавоб бера олади. Ишланмаларда 1-синф она тили дарсларида янги педагогик технология элементларини қўллаш, ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришга асосий диққат жалб қилинган. Ишланмаларда мустақил ишлар, луғат устида ишлаш, таълимий ўйинлар ўтказиш, тест савол-жавобларидан фойдаланиш, тестлар тузиш, матн ва машқларнинг таълим-тарбиявий, маънавий-маърифий тамойилларига алоҳида эътибор берилган. Схема ва бошқотирмалар ҳам киритилган.

Қисқаси, қўлланма 1-синф ўқувчиларининг она тилимиз мисолида оғзаки ва ёзма нутқини пухта эгаллашига, она тили бўйича билим олишга қизиқишларини оширишга муносиб ҳисса қўша олади.

Бироқ қўлланма айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Масалан, атамаларни қўллашда анъаналар бузилган: дарс босқичлари ўрнига дарс қисмлари; назорат диктанти ўрнига текширув диктанти атамалари ишлатиб юборилган. Атамаларни қўллашда бир хиллик етишмайди: масалан, луғат диктант — луғавий диктант; метод — усул, йўл каби. Имловий машқларни санашда эркин диктант келтирилмаган, лекин эркин диктантнинг изоҳи берилган. Бизнингча, мундарижада дарс ишланмаларидан намуналар саҳифама-саҳифа келтирилса, ундан фойдаланиш қулай бўлар эди. Дарснинг мақсадини аниқлашда таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар алоҳида-алоҳида талқин этилганда талабалар ва ёш ўқитувчиларга кўпроқ фойда берар эди. Бундан ташқари, умумлаштирувчи дарс (1-2 та), назорат (текширув) дарси ишланмаларидан намуна берилмаганлиги ҳам таажжубланарли ҳолдир. Булардан қатъи назар, ушбу қўлланма бошланғич синфларда она тили таълими сифат ва самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўша олади.

**Мўминжон ХАЛИЛОВ,**
**Қўқон давлат педагогика институти бошланғич таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди,**

**Ўринбой МЕҲМОНОВ,**
**ушбу кафедранинг катта ўқитувчиси,**

**Фахриддин МАҲКАМОВ,**
**шу кафедра ўқитувчиси**

# ИЖАРА ТИЗИМИ ВА КУТУБХОНА

*Jarayon*

Мактаб ўқувчиларини дарслик билан таъминлашнинг ижара тизимига ўтилганига уч йил бўлаяпти. Шу давр мобайнида бу тизимнинг мамлакатимизда нисбатан янги эканлигини инобатга олган ҳолда, унинг афзаллик томонлари, кундаланг бўлаётган муаммоларни Фарғона вилояти Бувайда туманидаги икки мактаб фаолияти мисолида ўргандик. Бизга туман халқ таълими бўлими педагогика кабинети кутубхоначиси Нодира Тошболтаева ҳамроҳлик қилди. Йўл-йўлакай у бизга туман мактабларининг дарсликлар билан таъминланганлиги ҳақида қуйидаги маълумотларни берди.

— Туманимизда 2003-2004 ўқув йилида дарсликлар билан таъминлаш 90 фоиз бўлди. Фақат 10-синф дарсликлари 5 турда чиққанлиги учун бу кўрсаткич шунча фоизни ташкил этади. Ўтган ўқув йилида туман бўйича умумий ўқувчилар сони 41 минг 918 нафар бўлган бўлса, улардан бошланғич синфларга 13 номдаги, 9-синфларга 10 номдаги дарсликлар ижара тизимида тўлиқ тарқатилди. 2004-2005 ўқув йилида эса туманда жами 42 минг 459 нафар ўқувчи ўқийди. Энди 2, 3- синф ўқувчилари ҳам ижара усулида дарсликлар билан таъминланадилар.

Туман марказидаги 2-умумтаълим мактаби кутубхонасига кирдик. Мактабда 1130 нафар ўқувчи таълим олади. Кутубхона фондида жами 12 минг 234 дона китоб бўлиб, шулардан 8716 донаси дарслик, 3518 тасини бадиий адабиётлар ташкил қилади. Кутубхонада ишлар белгиланган тартиб бўйича олиб борилади. Айниқса, «2003-2004 ўқув йили — Умумий ўрта таълим муассасаларининг кутубхона фаолиятини такомиллаштириш ўқув йили» муносабати билан туман халқ таълими бўлими томонидан ишлаб чиқилган ҳаракат дастурида қўйилган талабларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва шу асосида иш олиб борилган. Кутубхонага кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассис Сайёра Абдураззоқова мудиралик қилади. Мактаб кутубхонаси ҳозирги замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради. Уч хонадан иборат бўлган кутубхонанинг битта хонаси дарсликларга ажратилган, иккинчиси бадиий адабиётлар ва янги чоп этилган китобларга мўлжалланган, учинчисида эса ўқитувчилар ва ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида мутолаа билан машғул бўладилар.

Мактабда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Китоблар билан таъминлаш алоҳида режа асосида олиб борилади. Ўтган ўқув йилида ўқувчиларни ижара дарсликлари билан таъминлашда айтарли муаммо келиб чиқмади. Китоблар энг аввало, кам таъминланган, ночор оилаларнинг фарзандларига берилди. Бундай ўқувчилар мактабда 114 нафарни ташкил қилади. Янги ўқув йилида ҳам ишни худди шу тартибда ташкил қилиш режалаштирилган. Ҳозирда кутубхонада янги дарслик ва бадиий адабиётларни рўйхатдан ўтказиш ишлари якунланаяпти.

Биз тумандаги 17- мактаб кутубхонаси фаолияти билан ҳам танишдик. 2003-2004 ўқув йилида мактаб дарсликлар билан тўла таъминланган. Ўқувчиларга дарсликларни ижара тизимида тарқатишга ўтилгандан кейин баъзи бир муаммолар келиб чиқди. Кутубхоначилар ижара пулини йиғишда қийналиб қолдилар.

Ўтган ўқув йилининг иккинчи ярмида ҳам мактабнинг ижара пулини тўлашда қарзи бор эди. Лекин янги иш бошлаган мактаб директори Зумрад Мирзаева шу ҳудудаги учта маҳалла фуқаролар йиғини, шунингдек, ота-оналар билан олиб борган тушунтириш ишлари туфайли қарзлар тўланди.

Янги ўқув йили учун мазкур мактабга ҳам янги дарсликлар олиняпти. Бундан ташқари ҳомий ташкилотлар, хусусан, «Дўстлик» жамоа хўжалиги томонидан бу йил мактабга 100 дона дарслик, 42 дона бадиий адабиёт тақдим этилди.

Биз юқорида кўриб ўтган ҳар иккала мактабда ҳам кутубхоналар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, фаолият олиб боряптилар. Кутубхона мутахассисларининг вазифаси дарслик тарқатишу унинг пулини йиғиш учун ота-оналарнинг орқасидан юриб вақт кетказишдан иборат эмас, балки маърифат тарқатиш, болаларнинг китобхонлиги, саводхонлигини ошириш билан шуғулланиш ҳамдир. Бунинг учун эса ҳамма ўзига тааллуқли бўлган масъулиятни англаб етса бўлгани.

**Назира ҚУРБОН қизи, «Ma'rifat» мухбири**

*Xalqaro hamkorlik*

# ЎЗБЕК-НЕМИС ЛОЙИҲАСИ:

## ёхуд унинг мамлакатимизда касб-ҳунар таълими тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга қўшган ҳиссаси





Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" меҳмонхонаси мажлислар залида "Ўзбекистонда бошланғич касб-ҳунар таълимини қўллаб-қувватлаш" ўзбек-герман лойиҳасининг мамлакатимизда касб-ҳунар таълими тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга қўшган ҳиссаси" мавзусига бағишланган икки кунлик илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, давлат идоралари ва қўмиталари масъул ходимлари, германиялик халқаро экспертлар ва маҳаллий мутахассислар иштирок этишди.

Ушбу халқаро лойиҳа координатори, доктор Юрген Купфернинг таъкидлашича, 1999 йилда иш бошлаган "Ўзбекистонда бошланғич касб-ҳунар таълимини қўллаб-қувватлаш" ўзбек-герман лойиҳасининг асосий мақсади Ўзбекистонда малакали, рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлашдаги касб-ҳунар таълими ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш, бу борада маҳаллий мутахассисларга касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга доир маслаҳатлар бериш, бевосита амалиётда кооператив таълим асосида янги касбларни синовдан ўтказишда яқиндан ёрдам бериш эди.

Мана шу ўтган давр мобайнида иш берувчи ҳамкор корхоналар билан биргаликда 4 та янги касб бўйича мутахассислар тайёрлаш жараёни 8 та касб-ҳунар коллежида тажрибадан ўтказилди. Масалан, молиявий ва ташкилий ишлар бўйича мутахассислар Қўйлиқ маиший хизмат, Бухоро иқтисодиёт ва банк ҳамда Самарқанд енгил саноат касб-ҳунар коллежларида, меҳмонхона хўжалиги, ресторан иши ва туризм бўйича мутахассислар Тошкент, Бухоро ва Самарқанддаги Сартепа туризм касб-ҳунар коллежларида, халқаро ошхона ошпазлари Қўйлиқ маиший хизмат, Тошкент ва Бухоро туризм коллежларида ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси ва жиҳозлари бўйича механиклар Тошкент вилоятининг Қибрай ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманларида жойлашган қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларида тайёрланди.

Мазкур илм масканларида таълим жараёни янги тажрибавий ўқув режа ва дастурлари асосида ташкил этилиб, бу ердаги ўқув ва ишлаб чиқариш таълими жараёнларига 240 та корхона жалб этилди. Таълим-тарбия жараёнини касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ва муҳандис-педагоглари билан бир қаторда ҳамкор ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассислари олиб боришди.

Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш германиялик экспертлар ва ҳамкор ташкилотлар мутахассислари ёрдамида "Ўзбектуризм" миллий компанияси ўқув марказида, Бухгалтерлар ва аудиторлар уюшмасида, Бизнесни қўллаб-қувватлаш марказида, Ўзбекистон тадбиркор аёллар уюшмасида, қўшни давлатларнинг касб-ҳунар таълими соҳасида GTZ лойиҳаси бўйича шуғулланаётган мутахассислар, Гёте номидаги институт профессор-ўқитувчилари ва ZfA хорижий мактаб таълими марказий бюроси мутахассислари билан ҳамкорликда ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси ОЎМТ вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази ҳамда "ABU-Consult" фирмаси (Берлин) билан ҳамкорликда GTZ Германия техникавий ҳамкорлик жамияти лойиҳанинг асосий бажарувчилари ҳисобланади. Жами 5,5 йил фаолият кўрсатган мазкур лойиҳанинг молиявий таъминоти эса, Германия иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик федерал вазирлиги томонидан амалга оширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 1999-2004 йиллар давомида ўқитувчилар, усталар, раҳбарлар ва мультипликаторларнинг малакасини ошириш мақсадида мамлакатимизда ва хорижда 100 дан зиёд тадбир ўтказилди. Шу вақт мобайнида тажрибавий коллежларни 547 нафар ўқувчи муваффақиятли тугатди, жумладан улардан 454 нафари ёки 83 фоизи доимий иш билан таъминланди, 76 нафари, яъни битирувчиларнинг 13,5 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.

Лойиҳага кирган тажрибавий коллежларнинг моддий-техник жиҳозланиши борасида 1,2 млрд.сўм миқдорида ишлар амалга оширилди. Хусусан, 9 та тижорат тренинг фирма, 2 та чет тиллари лабораторияси, 3 та ўқув ресторани, 9 та махсус меҳмонхона, ресторан ва туризм фан хоналари, 3 та ўқув ошхонаси, 2 тадан металларга қайта ишлов бериш, пайвандлаш ва қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш устахонаси, 1 та компьютер хонаси замонавий техника анжомлари ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Илм масканлари жами 53 млн.сўмлик ўқув адабиётлар, дарсликлар, методик қўлланмалар ва махсус компьютер дастурлари билан таъминланди.

Илмий-амалий анжуманнинг бошида тажрибавий касб-ҳунар коллежлари фаолиятини акс эттирувчи кўргазма ва ОАВ ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Сўнг конференция ўз ишини бошлади. Унда "Ўзбекистонда бошланғич касб-ҳунар таълимини қўллаб-қувватлаш" ўзбек-герман лойиҳасининг хусусида лойиҳа координатори, доктор Юрген Купфер ахборот берди. Баҳс-мунозаралардан сўнг Самарқанд енгил саноат, Тошкент туризм ва Қибрай қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари Т.Тошева, А.Шамсиев ва Ш.Искандаровлар ўз илм масканларида тажрибавий касбий тайёргарлик ишларининг натижалари ва муаммолари тўғрисида сўзлади ва иштирокчиларни баҳс-мунозараларга чорлади.

Анжуманнинг иккинчи кунида мамлакатимизда касб-ҳунар таълими ислоҳотларини чуқурлаштириш бўйича тезислар қабул қилиниб, ишчи гуруҳлар ҳисоботларини тинглади.

**Нурлан УСМОНОВ, "Ma'rifat"нинг махсус мухбири**

**Ularda shunday tashabbus bo'lsa, yoxud bog'chalardagi tadbir-bayramlarga mahalla jalb qilinsa, ehtimol, bog'chaning ahvolini ko'rgan mahalladoshlar bog'chaga befarq bo'lmasmidilar.**



*Hamkorlik*

# УЧ ҲАЛҚАНИНГ БИРИ

Бир тўп кичкинтойлар боғча опалари билан биргаликда табиат билан танишув учун саёҳатга чиқишди. Болалар сайрга чиқса яйраб, «у нима?, бу нима?» деб тарбиячи опаларидан кўп нарса сўраб, билишга қизиқади. Четдан кузатган одам бу ҳолатни кўриб, ҳаваси келади. Кўп юрмай болалар улкан боғга дуч келди. Боғ жуда ораста, озода. Турли хил мевали дарахтлари бор эди. Мевазор ҳақида мароқ билан гапираётган Зулайҳо Абдухолиқованинг гапини тинглаб турган Темур: «Боғча опа, бу боғни ким яратган?», деди.

— Бу боғни маҳалламизнинг кекса отахони Салим бобонинг отаси яратган. Сизларга ўхшаган ширин болалар мевалардан еб, мени эслаб юрсин, деган. Ҳозир бу боққа Салим бобо қарайди. Ҳар бир дарахтни ўзи парвариш қилади. Ҳозир ҳам шу боғда бўлсалар керак. Юринглар, биз ҳам бобога ёрдам берамиз, — деди тарбиячи.

Болалар боққа югуришди. Шу пайтда Салим бобо ўрик кўчатини парваришлаётганди. Оппоқ соқоли кўксига тушган, оппоқ либосда ер чопаётган нуроний отахоннинг ишини кузатиб турган Аҳрор бирпас қараб турдию ўзига яраша куракча олиб бобога ёрдам бера бошлади. Отахон кичкинтойнинг ишига қараб жилмайиб қўйди. Уларга бошқа болалар ҳам ёрдамлашди. Болалар боғдан қайтаркан, бугунги ишларидан ўзлари ҳам мамнун эди.

Ҳа, бола жуда беғубор шахс. Унинг қандай инсон бўлиб етишишида биз катталарнинг ўрнимиз беқиёсдир. Боланинг баркамол, етук инсон бўлиб етишишида нафақат ота-оналарнинг, балки қўни-қўшни, маҳалла-кўйнинг ҳам ҳиссаси катта. Уларнинг мурғак вужудига эзгулик ва меҳр-оқибат, сахийлик ва инсонпарварлик туйғуларини сочиш ҳам катталарнинг қўлида.

Биз юқорида бир болага етти қўшни ота-она, дедик. Хўш, шундай экан, бугунги кунда боғчалар билан маҳаллалар қандай ишлар олиб бораяпти? Умуман олганда, маҳалла билан боғча ўртасида узвий ришта борми? Маҳалла билан боғча ўртасидаги ҳамкорликнинг болаларга таъсири қандай?

Саволлар занжири узун. Шу саволларга жавоб топиш мақсадида Чиноз туманига қарашли бир қатор боғчаларга бориб, аҳвол билан танишдим.

— Ўтган йиллар давомида бизнинг боғчада сув бўлмади. Тарбиячилар анча узоқ жойдан сув ташиб қийналишарди. Биласиз, боғча учун сув ҳаводек зарур. Ўша қийинчилик пайтида «Чиноздон» ҳиссадорлик жамияти жамоаси, «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти раиси Э.Обидов, Шунингдек, Озода Мадаминова, Насиба Қурбонгалиева, Қобил Маҳмудов, Хайрулла Худойбердиев сингари сахий кишилар бизга кўмакдош бўлиб, ёрдам қўлини чўзди. Биз улардан миннатдормиз. Улар ёрдами билан бугунги кунда боғчамизга сув олиб келинди. Мўъжазгина боғимиз обод бўлди. Бизнинг ҳамкорлигимиз фақат ота-оналар ва қўли очиқ кишилар билан, — дейди тумандаги 1-«Бойчечак» боғчасининг мудираси Оқибат Зияева.

Бу гаплардан қаноатланиб, бошқа суҳбатдошларимнинг фикрига қулоқ тутдим.

— Биз ҳамкорликни ота-оналар билан олиб борамиз. Тадбирларимизга маҳалланинг кексаларини, уруш қатнашчиларини чақириб, болалар билан суҳбатлар, бадиий кечалар ўтказиб турамиз. Ушбу маҳалла билан ҳамкорлигимиз болаларнинг онгига ижобий таъсир этади. Болажонларимизнинг улардек фидойи бўлгиси келади, — дейди 23-«Камалак» боғчасининг мудираси Роза Шаменова.

37-«Лаззат» боғчасининг мудираси Гулайша Бижигитова эса шундай деди:

— Биз маҳалладан кўпроқ моддий эмас, маънавий жиҳатдан ёрдам оламиз. Бизнинг ҳамкорлигимиз болалар қалбида меҳр-муҳаббат, фидойилик, камтарлик каби ўлмас туйғуларни шакллантиришда асқотади. Фикримнинг далили сифатида айтадиган бўлсам, яқиндагина бўлиб ўтган тадбирда болаларимиз меҳр-оқибат ҳақида саҳна кўринишларини қўйишди. Унда роль ўйнаган болаларнинг маҳоратини кўриб, фахрийлар ҳам лол қолишди.

Бу жавобларни эшитиб, маҳалла билан боғча ўртасида ҳамкорлик қандайлигини ойдинлаштириш мақсадида «Кўрик» маҳалла қўмитаси раиси Абдували Мавлоновни суҳбатга тортдим.

— Мен бундай тадбирлардан сўнг маҳалладаги боғчаларга ҳар биримиз эътиборли бўлишимиз керак экан, деган хулосага келаман. Шундагина болаларимизга бизнинг ўрнак сифатидаги таъсиримиз ижобий бўлади.

Яна бир гап, боғча ва маҳалла ҳамкорлиги деганда, нега кўпчилик моддиятни тушунади. Бу ҳамкорликнинг маънавий илдизлари қаерда? Олайлик, маҳалладаги бир нуроний отахон ёки онахоннинг ҳаёт йўли болаларга ибрат бўлиши мумкин-ку?! Умуман, ҳамкорлик фақатгина бирор нарсанинг олди-бердиси эмас. Балки болалар ҳолидан доим хабардор бўлиш, уларнинг қувончу шодликларидан баҳраманд бўлиш ҳамку! Ҳеч бўлмаганда, маҳалла қўмитасининг раиси маҳалла аҳлини, саховатли инсонлар бошини бирлаштира олиш, уларни боғчаларга кириб боришга ундаши мумкин. Уларда шундай ташаббус бўлса, ёхуд боғчалардаги тадбир-байрамларга маҳалла жалб қилинса, эҳтимол, боғчанинг аҳволини кўрган маҳалладошлар боғчага бефарқ бўлмасмидилар.

Айрим боғчаларни кузатганимда, улар маҳалла билан ишлашни яхши йўлга қўйиб, ҳатто мактабга тайёрлаш учун ноанъанавий гуруҳлар ҳам очишган. Бу гуруҳларни боғча ва маҳалла ўртасидаги бир йўлак деса бўлади. Шундан келиб чиқиб, биз маҳаллалар билан боғчалар ўртасида ҳамкорлик кенг миқёсда йўлга қўйилишининг тарафдоримиз. Чунки бу болалар учун ҳам тарбиявий аҳамиятга эга. Сабаби, мурғак қалб эгаси бундайин савобли ишларни, эътиборни кўрса, эртага у воя етгач, маҳалласига нисбатан ўзгача меҳр-ифтихор билан ўсиб-улғаяди.

**Нилуфар ИСЛОМҚУЛОВА**
**Чиноз тумани**

# КЎРГАЗМАДА ТАЛАБАЛАР ИЖОДИ

*Ўзбекистон Бадиий Академияси, Ўзбекистон маданияти вазирлиги "Форум" жамғармаси томонидан ташкил қилинган "Навқирон Ўзбекистон" деб номланган 1-республика анъанавий ва замонавий санъат фестивалида юртимиз билим юртларида таҳсил олаётган 120 дан ортиқ ёш ижодкорлар асарлари кўргазмаси намойиш этилди.*

*Кўргазмага қўйилган рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, дизайн, ёғоч ўймакорлиги, бадиий кулолчилик, кандакорлик, анъанавий миниатюра, заргарлик, тўқимачилик, гиламдўзлик ва бошқа санъат турига оид асарлар бу ерга ташриф буюрган санъат ихлосмандларида катта таассурот уйғотди. Бу кўргазма ҳақида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти проректори Рустам Худойберганов шундай дейди:*

*— Бугунги кўргазма тасвирий-бадиий санъатнинг турли йўналишларида таҳсил олаётган талабаларимизнинг ижодкор сифатида шаклланишларида катта аҳамиятга эга. Устахонада ишлаш билан ўз ижодини намойиш этишнинг фарқи бор. Бу уларга ўз интилишлари, камчиликлари ва ютуқларини чамалаб кўриш ва хулоса ясаш учун имкон яратади.*

*Ko'rgazma*

*— Талабаларимиз амалий санъат турининг анъаналарини сақлаган ҳолда ижод қилаётганликлари жуда қувонарли, — дейди "Устазода" санъатни қайта ишлаш мажмуининг рангли металл бўйича раҳбари Маҳсуд Мадалиев. — Ота-боболаримиздан бизгача етиб келган амалий санъатнинг бу тури камайиб бормоқда. Чунки унинг яратилиши жараёни анча мураккаб. Бундай асарнинг дунёга келиши учта устага, яъни мисгар, рихтагар, кордакорга боғлиқдир. Бу санъат тури оилавий касб бўлиб, шу учала усталар ҳам ижодий ҳамжиҳатликда ишлайдилар.*

**Моҳичехра ЛАТИПОВА,**
**Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси**

# ЮРТНИНГ КИЧИК БЎЛАГИ

Кузатганмизки, маълум ҳудудни ўз ичига олган маҳалла билан кўп қаватли турар-жойлар ўртасида каттагина фарқ бор. Ён-атрофи супуриб-сидирилган, райҳон ва атиргуллар экилган ҳовлилар маҳаллага қанчалик кўрк бағишласа, билъакс ҳар қадамда турли чиқиндилар ташланган кўп қаватли уйлар атрофини кўриб, шунчалик дилингиз хижил тортади. Яна бир ҳақиқат бор: ўғил уйлантирмоқчи бўлган ота-она қизнинг етти пуштини маҳалла орқали сўраб-суриштиради ёки аксинча. Эр-хотин, ота-бола ёки она ва қиз ўртасида келишмовчилик туғилса, шундай мулоҳазага албатта борилади: «Маҳалла-кўй нима дейди?». Тан олиш керак, ҳақиқий ўзбекона маҳаллалардаги турмуш тарзи хорижлик меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳозирги вақтда маҳаллаларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сифатидаги фаолиятига баҳо беришда «маҳалла» тушунчасининг қадимий ва теран илдизлари ҳамда унинг бугунги кундаги мавқеи ва роли ҳисобга олинади. Зеро, уларнинг зиммасига юкланган вазифалар орасида ёш авлод тарбиясидан тортиб миллий қадриятларни тарғиб-ташвиқ қилиш каби бир-бирига узвий боғлиқ вазифалар ўрин олган. Сирғали туманидаги «Баҳор» маҳалласи фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, барча жойдаги сингари бу ерда ҳам бир мақсад сари интилиш, ҳукумат даражасида қўйилаётган вазифалар ижросига собитқадамлик билан киришиш муҳити ҳукмрон. Ватан ҳар бир кишининг уйидан, қишлоғидан, маҳалласидан бошланади. Уйинг тинч бўлса, маҳаллангг, демакки, она юртингда ҳам осойишталик ҳукм суради. «Баҳор» маҳалласи фуқаролар йиғини, аввало аҳоли ҳақидаги тўлиқ маълумотлар базасининг тўпланишига эътибор қаратган. Жами хонадонлар сони 1309 та бўлиб, уларда 2,5 мингта оила истиқомат қилади. Аҳоли сони эса 5812 киши, шундан 1978 нафарини ёшлар ташкил қилади. Ҳудудда 25 миллат вакили яшайди. Битта мактаб ва битта болалар боғчаси бор. Кам таъминланган оилалар сони 90 та.

*Oila + maktab + mahalla*

Ўзбеклар қадим-қадимдан меҳр-оқибатли, қариндоши, қўни-қўшниси, ҳаттоки етти ёт бегона бўлганида ҳам ёрдам қўлини чўзадиган халқ. Шу жиҳатдан олганда, маҳалла фуқаролар йиғини кам таъминланган оилаларга алоҳида эътибор қаратяпти. Зеро, ҳадиси шарифда бир киши кўнглини обод айламоқ муқаддас Каъбани зиёрат қилмоқ билан тенг эканлиги зикр этилган. Кам таъминланган оилаларни Наврўз, Ҳайит, Мустақиллик байрамларида йўқлаш, совға-салом, энг муҳими эса ширин каломлар тортиқ этиш анъанаси қарор топган. Бундан ташқари, ногирон фарзандлари бор оилалар нафақат байрамларда, балки бошқа пайтлари ҳам тез-тез йўқлаб турилади, зарурий тиббий хизматни уюштиришда бош-қош бўлинади.

Маҳалла, аслида ўз Низомига асосан иш юритадиган ижтимоий институт. Лекин у ўзича рўзғор тебратадиган бўлса, эшкаксиз қайиқ мисоли қалқиб-қалқиб, узоққа боролмаслиги мумкин. Маҳалла «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг туман бўлими, Қизил Ярим ой жамияти, туман меҳнат биржаси ва яна бир қанча жамоат ташкилотлари билан доимий алоқа ўрнатган бўлиб, худди шу йўналишдаги вазифалар ижросига ҳам ҳисса қўшаяпти.

Маҳалла 25 та кўчадан таркиб топган. Аҳоли тинчлигини, осойишталигини таъминлаш, ёшларнинг бўш вақтини намунали ташкил этиш, улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришга ҳар ким ўз хизмат вазифаси доирасида ёндашади. Айниқса, мактаб билан ҳамкорлик ўрнатмай туриб, ёшларни ҳаётга тайёрлаш кенг доирада бўлишига эришиш қийин. 2003 йилнинг декабрь ойида 264-ўрта мактабнинг 5 нафар аълочи ўқувчисига маҳалла стипендияси берилган бўлса, 2004 йил май ойидан уларнинг сони 10 нафарга етказилди. Албатта, бу иш мактаб маъмурияти билан келишилган ҳолда амалга оширилмоқдаки, бунда боланинг фақат «аъло» баҳоларга ўқиши эмас, айни пайтда мактаб, кўча ва оилада ўзининг ибратли жиҳатлари билан тан олинганлиги ҳам бирламчи роль ўйнайди. Бу — ўқувчи учун бир имконият, бошқа болаларни ҳам улардай бўлишга ундаш воситаси.

Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғини иш режасидан мактаб ўқувчилари билан таниқли олим, шоир ва бошқа шахслар иштирокида учрашувлар, танлов ва мусобақалар уюштириш ўрин олган. Қисқаси, Ўзбекистон деган улкан мамлакатнинг кичик бўлаги — «Баҳор» мисолида она Ватаннинг юраги бир текис уриб турганини маҳалла аҳли доимо ҳис қилиб яшайди.

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА**

# БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР ҚЎЛЛАНМАСИ

Ёш олима Доно Олимованинг “Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив кўникма ва педагогик маҳоратларини шакллантириш воситалари” номли рисоласи чоп этилди.

Рисоланинг “Коммуникатив кўникма ва педагогик маҳоратни шакллантириш ташхиси”, “Коммуникатив кўникмаларни шакллантириш хусусиятлари”, “Амалий машқлар тизими — коммуникатив кўникма ва педагогик маҳоратни шакллантиришнинг йўналтирувчи босқичи” деб номланган бобларида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив кўникмаларни ва педагогик маҳоратни эгаллаб олишларида асосий мақсад — ўсиб келаётган авлодни баркамол қилиб тарбиялашдан иборат эканлиги чуқур ёритилган.

Умуман, ушбу рисолада миллий таълим демократияси бўлажак ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ишларида янгича ёндашув тизимини яратиши, ўқитувчи мутахассисларнинг ижтимоий-касбий вазифалари янада мураккаблашаётган даврда миллий таълим соҳасида кенг кўламдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш фақат малакали, чуқур билимли педагог — мутахассислар томонидангина амалга оширилиши, бўлажак ўқитувчиларни ҳам бунга тайёрлаш кераклиги таъкидланган.

**Сафо МАТЧОНОВ,**
**педагогика фанлари доктори, профессор,**
**Гулнора МУҲАММАДЖОНОВА,**
**педагогика фанлари номзоди**

# АСЛ МАОРИФЧИ



Шукур Дадашнинг “Маърифатга бахшида умр” номли китоби босмадан чиқди. Ушбу китоб маориф соҳасида кўп йиллар фаолият юритиб, кўплаб шогирдлар етиштирган ажойиб инсон Тоир Дадашев хотирасига бағишланади. Китобдан Тоир Дадашевнинг ҳамкасблари, дўстлари ва фарзандлари томонидан ёзилган хотиралар, эсдаликлар ўрин олган бўлиб, уларда устознинг инсоний фазилатларидан тортиб, ишдаги ўзига хос томонлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Буларнинг ичида, айниқса, Шароф Рашидовнинг берган баҳоси диққатга сазовордир:

“Ҳаётда шундай инсонлар борки, уларнинг кўксиларида қаҳрамонлик юлдузлари порлаб турмаса-да, уларнинг давлат, халқ учун қилаётган фидойи меҳнатлари ҳақиқий қаҳрамонликдир. Бундай инсонлардан бири асл маорифчи Тоир Дадашевдир”.

Бутун умрини маориф соҳасига бағишлаган инсон учун бундан ортиқ таъриф бўлмаса керак.




# ИҚТИСОДЧИЛАР УЧУН

“Шарқ” НМАК томонидан “Бухгалтерия ҳисоби” дарслиги нашр қилинди. Дарслик Тошкент молия институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ўқитувчилари А.Каримов, Ф.Исломов ва А.Авлоқуловлар томонидан тайёрланган бўлиб, иқтисодиёт йўналишидаги бакалаврлар, магистрлар ва аспирантлар, аудиторлар, солиқчилар учун мўлжалланган.

Институт магистрантларининг IV анъанавий илмий-амалий конференциясида дарсликнинг тақдимот маросими ўтказилган эди. Маросимда республикамизнинг иқтисодий йўналишдаги институтлари ва коллежлари профессор-ўқитувчилари, Молия вазирлиги ҳамда давлат солиқ қўмитаси вакиллари иштирок этишиб, дарсликнинг бугунги кундаги илмий-амалий аҳамиятига юксак баҳо бердилар.

Ушбу дарсликда бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисмлари бўлмиш бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ҳамда солиқ ҳисобини ташкил қилиш тартиби баён қилинган. Дарсликнинг устун томонлари шундаки, унда бухгалтерия ҳисоби объектлари батафсил ёритилган, хориж тажрибаси ўрганилган ҳамда янги ҳисоб варақлар режаси асосида амалий мисоллар келтириб ўтилган. Умуман олганда, ушбу дарслик барча иқтисодий йўналишдаги бакалавр, магистрантлар ва аспирантлар учун фойдали бўлади, деган умиддамиз.

**М.АҲМЕДОВА**

# МУАЛЛИМНИНГ КИТОБИ



Турди Ҳайдарнинг “Умр лаҳзалари” (“Насаф” нашриёти) шеърий тўплами чоп этилди. Мактаб раҳбарлиги билан бирга ижодни ҳам баробар олиб бораётган Турди Ҳайдарнинг шеърлари бевосита касбий фаолиятидан келиб чиқиб, кўпроқ тарбия мавзусида, насиҳат руҳида ёзилган.

Ушбу тўпламдаги кўп шеърларда тирикликнинг катта неъмат эканлиги, ҳар бир кун учун шукр қилиш лозимлиги уқтирилади:

Кимнидир дардига бўлолсанг малҳам,
Ё кимдир сен сари талпинса ҳар дам.
Шодлик ҳамроҳ бўлиб, йироқлашса ғам,
Беминнат ризқингни териб яшасанг,
Юракдан севилиб, севиб яшасанг... —

дейилади унинг “Яшасанг” номли шеърида. Умр йўлларидаги паст-баландни кўриб тажрибаси ошган ушбу инсоннинг барча шеърларида ҳаётий ўгитлар берилган.

**З.БОБОХЎЖАЕВА**

# МОДДАЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАДҚИҚИ

Тошкент давлат аграр университети профессорлари К.Розиқов, Э.Ўринов ва доцент М.Қодирхоновлар “Моддалар таҳлили ва тадқиқининг физик-кимёвий усуллари” ўқув қўлланмасини тайёрлаб чоп этишди.

Қўлланманинг 11 та бобида, шу кеча-кундузда ўқув-тажриба машғулотларида ўрганиладиган, моддалар таҳлили ва тадқиқи амалиётида фойдаланилаётган деярли барча физик-кимёвий усуллар тавсифи, иш услублари ҳамда энг муҳим физик-кимёвий кўрсаткичлар изоҳи келтирилган. Таъкидлаш керакки, ушбу ўқув китоби турли техника ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги қатор олий таълим муассасалари ўқув режасидаги, “Аналитик дунё”, “Физик-кимёвий анализ усуллари”, “Илмий тадқиқот ишлари асослари” каби фанлар дастурларига мос ҳолда ёзилган.

Қўлланмада ҳар бир кимёвий бирикма, модда ва маҳсулот табиатидан келиб чиқиб, ишлатиладиган муайян физик-кимёвий усулнинг илмий-назарий асослари, тажриба вақтида ишлатиладиган аппарат ва асбоб-ускуна, техник тавсифи, таҳлил ва тадқиқ қилиш иш услублари оддий тилда баён этилган. Сўзсиз, ундан тегишли таълим муассасаси ўқувчи-ёшлари, бакалавр ва магистрантлар, аспирант, шунингдек, моддалар таҳлили ва тадқиқи билан машғул бўлувчи баъзи илмий-техник лаборатория ходимлари унумли фойдаланишлари мумкин.

**С.ЗОКИРОВ,**
**ТошДАУ доценти**

# СОҲА ЛЕКСИКАСИ ТАҲЛИЛИ

Муродқосим Абдиевнинг “Соҳа лексикасининг систем таҳлили муаммолари” монографияси ҳозирги ўзбек тилшунослигининг муҳим масалаларидан бири — касб-ҳунар лексикаси ва унинг систем таҳлилига бағишланган. Ишнинг кириш қисмида умумлисоний лексик система қурилишида сўз (лексема), айни пайтда, психологик, фалсафий, мантиқий, шунингдек, лингвистик тушунчалардан бири эканлиги жуда асосли баён этилган.

“Умумлисоний лексик система қурилиши” боби “Умумлисоний лексик система ҳақида”, “Соҳага оид луғавий система масаласи” номли бўлимларидан иборат бўлиб, уларда сўзларнинг турли сатҳлардаги қўлланилиши ва уларнинг бир соҳада чекланмаслиги, шунингдек, мазкур соҳага оид тадқиқотлар ҳамда уларнинг илм соҳасидаги ўрни ва масаласи соҳасида фикрлар билдириб ўтилган.

Монографиянинг “Соҳа лексик системасининг мавзуий микрогуруҳи” деб номланган иккинчи бобида таъкидлаб ўтилганидек, ишда Самарқанд вилояти касб-ҳунар лексикаси ва унинг систем таҳлилига оид кузатиш натижалари ўз аксини топган. Монографияда мавжуд лексик-мазмуний муносабатлар, лексик-семантик муносабатлар ва сўзлараро ўзаро муносабатлар “Лексик семантик муносабатлар” деб аталган термин остига бирлаштирилган ва барча масалалар шу тушунчага асосланган ҳолда ҳал қилинган. Таҳлил этилаётган сўз-терминларнинг ҳаққонийлиги ва улардан кейинги тадқиқотларда тайёр материал сифатида фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида уларнинг транскрипцияси ҳам берилган.

**Сайфулло АЪЗАМОВ,**
**СамДУ доценти,**
**филология фанлари номзоди,**
**Мардон БОЛТАЕВ,**
**катта ўқитувчи**

# ЭТНОЛОГИЯ ЛУҒАТИ

Этнология — қизиқарли ҳамда муҳим фанлардан бири. Этнологиянинг асосий тадқиқот объекти — кишиликнинг тарихий бирлиги ҳисобланган “халқ” ёки “этнос” тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, унинг келиб чиқиши, ирқий тузилиши, хўжалик ҳаёти, моддий ва маънавий маданиятининг турли томонлари, ижтимоий ва оммавий-маиший турмуш доиралари ҳамда дунёқараши ва ижодий фаолиятини қамраб олади. Этнослар муайян тарихий даврнинг маҳсули сифатида этногенез (келиб чиқиш) билан ҳам белгиланади. Шунинг учун ҳам этносларни ўрганишда тарихий этнологияга оид бир неча атамалар ва фан соҳалари билан мулоқотда бўлинади. Этнологияга оид атама ва тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини тўлақонли, пухта билиш ёшларда шу фан ҳақидаги билимларни янада чуқурлаштиришга яқиндан ёрдам беради. Шу маънода, Қарши давлат университети олимлари Очил Бўриев ва Турсунпўлат Хўжамбердиев томонидан тузилган “Этнология атамаларининг қисқача изоҳли луғати” муҳим аҳамиятга эга.



Ушбу луғатдан этнология фанининг ўзига хос атама ва тушунчалари, шунингдек, ўзбеклар этнологиясига доир кўпроқ изоҳ талаб қилувчи турли тиллардан тилимизга кириб келган сўзлар ўрин олган. Рисола ўқувчилар, талабалар, аспирантлар, этнология фани ҳамда ўзбеклар этногенези ва этник тарихи билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

# «TUNES OF AZIA» – «ОСИЁ САДОСИ»



Истиқлолга эришганимиздан сўнг, мамлакатимиз кўпгина соҳаларда дунё миқёсидаги ютуқларга эришиб, илғор давлатлар билан тенглашиб бормоқда. Жумладан, бокс, кураш, каратэ каби бир қанча спорт турларида эришган зафарларимиз, Рустам Қосимжоновнинг шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлганлиги ва яна кўплаб бошқа муваффақиятларни санаш мумкин. Истиқлол туфайли энди ижодкорларимизнинг сара асарларини ҳам чет тилларга таржима қилиб, дунё аҳлига тақдим қилиш имконияти кенгайди. “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан нашр қилинган “Tunes of Azia” баёзи ушбу йўлдаги уринишлардан биридир. Баёзда XX аср ўзбек шеърияти намоёндалари ва замондош шоирларимиздан 48 нафарининг шеърлари жамланган. Шеърларни инглиз тилига истеъдодли ёш шоир Аъзам Обидов ўгирган.

Ушбу тўплам чет эллардаги ўзбек адабиёти мухлисларининг замонавий ўзбек адабиёти ҳақидаги тасаввурларини ойдинлаштиришига ёрдам бериши, шубҳасиз. Юртимизда жаҳон адабиётининг энг сара намуналари билан тенглаша оладиган даражадаги асарлар яратилган, яратилмоқда. Энди гап уларни дунёга тақдим қила билишда. Шу маънода, “Tunes of Azia” китоби бу борадаги жиддий қадамлардан бири бўлди, дейиш мумкин.

**Ҳусан НИШОНОВ**

# ҚАЧОН МАМНУНДИРСАН, ИНСОН ФАРЗАНДИ?

Қиш кетса, баҳордан чечаклар мамнун,
Ойдинлик васлидан юраклар мамнун,
Очилган кафтлардан тилаклар мамнун,
Доимо бир ғамга бўлиб сен банди,
Қачон мамнундирсан, инсон фарзанди?

Ушбу парча Бекобод педагогика коллежи талабаси Насиба Зокированинг “Орзуларим” (“Чўлпон” нашриёти) шеърий тўпламидан олинган. Ушбу тўпламдан Насибанинг илк машқлари жой олган бўлиб, унда ўн саккиздаги қизнинг муҳаббат, Ватан, қадр ҳақидаги шеърлари босилган. Бўлажак муаллиманинг “Хотира кунида”, “Келинчак” шеърларида эндигина ҳаётга кириб келаётган ёш қизалоқнинг ҳайратлари акс этган.



“Орзуларим — гўзал камалакларим”, — деб ёзади у бир сатрида. Насибанинг орзу-умидлари кўп. Асосийси, у ўз орзуларининг ушалишига ишонади ва бунга интилади. Бу интилишлар уни келажакда етук муаллима ва қалами ўткир шоирага айлантирса, не ажаб!

**Зуҳра БОБОХЎЖАЕВА**

*Qadriyat qarimas*

# ДЎМБИРАЛАР ЧЕРТИЛГАНДА ДОИРАНИ ҚЎМСАР ДИЛ

... Инсон зотига бу дунёда неки бахт насиб этмасин, барибир ўша олисларда қолиб кетган болалигини қўмсайверади. Ҳох олиму фозил бўлсин, ҳох мансабдору раҳбар, шаҳарнинг қават-қават хонадонларини, қишлоқнинг бир четида, томларида лолақизғалдоқлар ўсиб, қишда чак-чак томчи ўтган кўримсизгина уйларда, ёки йилнинг тўрт фаслида чанг-тўзони тинмас чўлдаги овулларда ўтган болалиги унинг учун ҳамма нарсадан азиз, муқаддас. Ана шу азизлик юракларда қанчалар чуқур илдиз отса, миллий ғурурнинг томирлари шу қадар мустаҳкам бўлади. Ватанни ҳар недан азиз санамоқ эса, ана шу ғурурдан бошланади. Умримизнинг қайсидир йўлкаларида бу туйғудан йироқлаша бошладикми, ўзимиздан, ўзлигимиздан узоқлашишимиз ана шу йўқотишдан бошланади. Балки ғуборсиз болалик дунёимизда шууру қарашларимизга сим-сим сингиб, ёруғ излар қолдирган неки бор, у кун келиб фикрат оламимиз тўлиб-тўлишганида аждоду авлодларимиз эъзозлаган ҚАДРИЯТлар бўлиб яpақлайверади. У бизнинг ору ориятларимизни сергаклантириб жилоланаверади.

Ана шу тотли ҳис билан болалигим ўтган изларни қўмсайман. Уйимизнинг тўридаги михда ҳамиша доира осилиб турарди. Отагинам чилдирмани қўлига олса, катта-кичик ташвишларимиз қайларгадир учиб кетар, дунё бирам гўзал кўринар, олам завқу шавққа тўларди, гўё. Армонларимиз, аламларимизни кўтармоққа елка тутарди шу доира. Сал нарироқдаги қишлоқда яшовчи дадамнинг бир ўртоғида дутор бўларди. Фақат шу кишида! Тез-тез икки дўст учрашиб туришар ва албатта доира чертилиб, дутор нола қиларди. Бундай оқшомларда дугоналарим билан қўшни хонага жамланиб, куй сеҳридан ширин-ширин хаёллар оғушига чўмардик, оламни унутардик. Бирам тотли хаёлларки, ич-ичимдан хўрсиниб соғинаман ўша кезларни. Билишимча, дутор ҳам, доира ҳам уларнинг оталаридан қолган экан. Ахён-ахёнда тўй-маъракаларга қўни-қўшнилар доирани сўраб оларди. Отагинам қийиб-қиёлмай, минг тайинлаб чилдирмани уларга берарди. Шундай базмларнинг бирида доирамизнинг ўрнига анчагина пул келтиришди. — Эссиз, - деганди ўшанда отам. — Доирагина эмас, доирани черта оладиган, қадрлай оладиганлар ҳам камайиб кетаяптида! Пулларинг ўзларингга сийлов.

Тун бўйи дадамнинг ҳаловатлари бўлмади чоғи, тонг саҳар бозорга жўнаб, янги доира олиб келдилар... Яна элчилик. Бор нарсани "йўқ" дейиш хонадонимизда уят саналарди. Бу гал отам маъюсгина бош чайқаб қўйдилар. Шу-шу уйимиз тўридаги доиранинг ўрни ҳувиллаб қолди. Энди ўйласам чилдирма меҳмонхонамизга ўзгача файз киритиб турар экан.

... Қозоқ овулларида бўлганмисиз? Агар йўлингиз тушса бир эътибор беринг-а, қайси хонадонга бош суқманг, уйининг тўрида турган дўмбирага кўзингиз тушади. Каттаю кичиги суяб чалади, чала олади бу мусиқа асбобини... ва гард юқтирмай эъзозлабгина бош устларига осиб қўйишади.

Бир гал хизмат билан Конимех туманининг "Сарибел" насличилик ширкат хўжалигидаги "Янги Ғозғон" овулида бўлдим. Туман марказидан беадад чўлу биёбонлар узоқлаштириб турган бу гўшада жўшқин ҳаёт нафаси ҳукмрон. Ҳар бир мутахассис ўз соҳасининг ижодкори. Сарҳадсиз яйлов эгалари — чўпонларини эса, ҳақиқий фидойи десак ҳам таърифимиз тунроқдек туюлади. Мени сарибелликларнинг яна бир хислати ҳайратга солди. Бу ерда ҳамма дўмбира чертиб куйлайди. Давралардаги гурунгларнинг шукуҳи ўзгача. Куй-қўшиқ билан кўнгилларнинг чигили ёзилади. Меҳмонга мезбонлик эҳтиромининг бир кўриниши оҳанглар орқали изҳор этилаётгандек.

Кўнгилдаги ана шу ширин иқрор билан ўзбек гўшаларидаги доираю дуторларни қўмсайман, излайман.

Олов атрофида доирани "сайратиб" ўйин-кулгу қилган момоларимиз қандай чиройли гурунгу гаштаклар ўтказарди. Хусумат йўқ эди бу давраларда. Сочларига гулбаргаклар таққан биз — қизалоқлар учун гулханнинг ёнишига термулиб, ўлан тинглашдан сурурли дам йўқ эди у кезларда. Шу тоб хаёлимдан бир танишимнинг кула-кула айтиб берган ҳангомаси ўтади. Улар бир гал ўғилчаси билан меҳмонга борса, не бахтки деворда дутор осилиб турган экан.

— Ойи, бунча катта қошиқ, — дермиш болакай кўзларидаги ҳайратни яшира олмай. Буни эшитиб, жилмайиб қўя қолдиму, аччиқ бир нарса бўғзимга тиқилгандай бўлди. Дилбандларимиз дуторни бугун "танимаяпти". Улғайганда нима бўлади? Унутиб юборишмасмикин умуман? Улар балки бу созларни тинглаб, чертиб, севиб камол топишса юракларидаги ғурур, меҳр-муҳаббатнинг ранги янада тиниқлашар, бу туйғунинг бўйи янада баландроқ бўлар?

Тўғри ўзбекнинг тору ғижжагини, доирасию карнай-сурнайини дунё саҳнасига олиб чиқиб, жаҳон аҳлини лол қолдираётган санъаткорларимиз кам эмас. Улар билан қанча фахрлансак арзийди. "Дуторчи қизлар" ансамбли раҳбари Замира Суюнованинг бу борадаги хизматлари ҳар қандай таҳсинга лойиқ. Муножот Йўлчиеванинг муножотларини ҳеч бир тилмочларсиз ҳатто хорижликларнинг ҳам юрак-юракларидан жой олаётгани миллатимизнинг ифтихори. Лекин бизни озорлантираётган жиҳатлар сизга ҳам бегона эмасдир, азиз муштарий. Олмахоним Ҳайитова ардоқлаб, кўтариб, элларга достон қилган тор нега бугун саҳналарга чиқаётган дилбар овоз соҳибаларию соҳибларининг ҳам қўлида кўринмайди.

Миллий истиқлол миллий ҳурлик, миллий эркинлик берди. Айни пайтда бу шарофатли неъматни улуғлаш, қадриятларимизни муқаддас билмоқлик билан ҳам теранлашади. Йўқотмоқ осон. Топмоқ мушкул. Ўша дутору доиралар ясайдиган усталар сафини кенгайтирмоқ зарурга ўхшайди. Балки мактаблар, касб-ҳунар коллежларида тўгараклар сифатида бу борадаги ишларни жонлантириш, оммалаштириш керакдир. Она заминимизнинг ҳар қати соҳибларига истаганини беришга ҳозир. Мусиқа асбоблари ясашга асқотадиган дов-дарахтларимиз навини кўпайтириш, албатта, мутахассисларимизнинг қўлидан келади. Мактабгача тарбия муассасаларидаёқ болажонларимиз дилида миллий мусиқа асбобларини тинглаш, чалишни ўрганишга меҳр уйғотайлик. Шу ўринда бугун кўплаб шаҳар мактабгача таълим муассасаларида фортепиано савлат тўкиб туриши, бирорта ўзбек мусиқа асбобларининг йўқлиги, кўплаб тадбирларнинг фақат пианино "иштироки"да ўтиши ҳақида ҳам бир ўйлаб кўрайлик. Маҳалла гузарларида кўпинча бўш вақтларини карта ўйнаш билан ўтказаётган, суяги совет замонида қотган амакиларимиз набираларидан уялиб, боболарининг дутору-доирасини излаб қолишса не ажаб. Хурофоту қабоҳатни илму маърифат йўли билан енгмоққа ҳамиша қодир бўлган мактаб ва маориф бу борада ҳам яловбардор бўлмас экан дилларда пинакка кетган қайсидир қадру қиёматларимизнинг уйғониши қийин.

... Қозоқ овули. Дўмбирани завқ билан чертаётган йигитчанинг хиргойисига маҳалланинг оқсоқоли ҳам, хўжаликнинг раиси ҳам, хонадоннинг бекаси ҳам жўр бўлади. Давра кенгайиб дўмбира қўлдан-қўлга алмашаверади. Ҳаваслана-ҳаваслана тинглайману доиранинг оҳангини соғиниб кетаман. Қани эди ҳар биримизнинг хонадонимизда дутору доира осиғлик турса.

**Ойбуви ОЧИЛОВА**

# МУЗЕЙЛАР — ЖОНЛИ ҲАЁТ МАКТАБИ

Музей инсоният тарихи, маданияти, маънавияти, бугуни ва келажагидан хабар берувчи маънавий-маданий маскан. Музей бир вақтнинг ўзида бой тарихимиз сарчашмаларидан огоҳ этувчи осори-атиқаларимизни тўплайди, ўрганади ва тарғиб қилади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Андижон вилоятининг кўплаб мактаб ва боғчаларида жамоатчилик музейлари қайтадан ташкил этила бошланди. Жамоатчилик музейларини ташкил этишдан асосий мақсад, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, каттаю-кичигининг Ватан ҳақидаги билимларини ўстириш, маҳалла, ўлка ўтмишига айнан музейларда сақланаётган турли экспонатлар орқали қизиқтиришдан иборат.

Ҳозирда мактаб жамоатчилик музейлари, ёш ўлкашунослар ва сайёҳлар бурчаклари вилоятнинг кўплаб мактабларида ташкил этилган. Мактаб музейлари ўқувчиларга ўлкамиз тарихи, маданияти, таниқли шахслар ҳаёти ва ижодини ўрганиб, шундан ўрнак олишни ўргатади.

Вилоят мактабларида фаолият олиб бораётган жамоатчилик музейларига вилоят ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Маркази томонидан тасдиқланган "Мактаб жамоатчилик музейи паспорти" берилган ва улар тўлақонли фаолият олиб бориши учун ҳам ҳуқуқий асослар яратилган. Вилоятда бир қанча мактаб музейлари борки, улар музей ташкил этиш ва фаолият юритишда намуна вазифасини ўтайди.

Булар Булоқбоши туманидаги 25- мактаб, Хўжаобод туманидаги 45-мактаб, Андижон шаҳридаги 8-ўрта мактабларда ташкил этилган жамоатчилик музейларидир.

Булоқбоши туманидаги 25-ўрта мактаб жамоатчилик музейи бир неча йиллардан буён фаолият юритиб келмоқда. Унда 4000 дан ортиқ экспонат бор. Музейда ўтган тарихимиздан дарак берувчи XVI-XVII аср тарихи намуналаридан тортиб, то ҳозирги давр ютуқларигача бўлган экспонатларни кўришимиз мумкин.

Андижон шаҳридаги 8-мактаб жамоатчилик музейи ҳақида ҳам илиқ фикрларни айтиш мумкин. Шуниси муҳимки, мактабнинг тарих, география ва адабиёт муаллимлари, кўплаб дарсларни музейда ўтадилар. Бу бир томондан ўқувчига янги мавзуни тушунишга катта ёрдам берса, иккинчи томондан болаларнинг маънавий қиёфаси шаклланади.

Музейлар фаолиятида ютуқлар билан бир қаторда, камчиликлар ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Мактаб музейлари биргина фан ўқитувчиси ва бир неча ўқувчининг саъй-ҳаракатлари билан фаолият юритмайди. Музей ташкил этиш ташаббуси билан чиққан инсон ўзининг мақсадини амалга оширишда биринчи навбатда ҳамфикр ҳамкорларини ишонтира олиши керак. Ҳозирда ҳимматли фуқаролар ёрдами билан мактаб, спорт иншоотлари, болалар уйингоҳлари қурилмоқда, лекин фуқаролар томонидан жамоатчилик музейлари ташкил этилганлиги ҳақида ҳали эшитганимизча йўқ. Сабаби биз шу саховатли инсонларга мактаб жамоатчилик музейларининг аҳамиятини тушунтира олмаяпмиз. Ўқувчиларнинг дарсларда олган билимлари музейларда кўрган экспонатлари орқали мустаҳкамланади.

Андижон шаҳридаги 32-мактабда бундан бир неча йиллар аввал тарих фани ўқитувчиси Н.Умаров раҳбарлигида музей ташкил этилган эди. Музейда кўплаб нодир экспонатлар бўлиб, ўқувчилар билимини оширишга катта ҳисса қўшган эди. Н.Умаров нафақага чиққач, музей фаолияти умуман тўхтаб қолди. Экспонатлар изсиз йўқолди. Албатта, бу ачинарли ҳол. Мактаб раҳбариятининг лоқайдлиги кўплаб қимматли маълумотларнинг йўқолишига сабаб бўлган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, музей — ўтмиш билан бугунни, бугун билан келажакни боғлаб турувчи қимматли кўприк. Агар мактаб музейлари ишини жонлантира олсак, миллий маданий бойликларимиз ўқувчи-ёшларни тарбиялашда ўзининг беқиёс ёрдамини берган бўлади. Келажак авлод эса шу жамоатчилик музейлари орқали миллий меросимиздан тўлалигича баҳраманд бўлган бўлар эди.

**О.СИДДИҚОВ, Ф.БОЛТАБАЕВА**

# УСТОЗЛАР ИЗИДАН

*Fanimiz fidoyilari*



Ғаффорбек 6 ўғил орасида бошқача бўлиб ўсди. Негадир қадамлари шаҳдам, сўзлари дона-дона, биринчи синфданоқ хатлари сулув, жилдга солинган китоб ва дафтарлари бирам тартибли бўлар эди.

1-4-синфларни 82-мактабда, 5—10-синфларни 45-сонли мактабда давом эттирди. Унда математика илмига қизиқиш уйғотган устози Юсуф ака Мирзаев бўлганлар.

Устозимизнинг доскага геометриядан циркулсиз, қўлда чизган доира, мураккаб чизмалари ақлимизни лол қолдирарди, — дея эслашади шогирдлари.

Ғаффорбек 5 та масала ёки мисол берилса, 10-12 тасини олдиндан ишлаб келишга одатланганди. Туман мактаблараро танловида ғолиб бўлиш унга янада завқ бағишлади. Уни қутлаш жараёнида туман ХТБ мудири Ғаффор ака Рашидов "Кичкина профессор" деб атаганида фаришталар "омин" деган экан. 1952 йили ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг физика-математика факультетига ҳужжатларини топшириб, талабалар сафидан ўрин олди. Кириш имтиҳонлари жараёнидаёқ академик Т.Саримсоқов, профессор И.Аржанихларнинг назарига тушган эди.

Насриддиновнинг математика соҳасини танлашида Юсуф ака Мирзаев сабабчи бўлган бўлсалар, олим бўлиб шаклланишида академик С.Сирожиддинов ва доцент А.Доморяд, профессор И.Аржаних каби олимларнинг ҳиссаси катта бўлди.

1962-1966 йилларда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)да ассистент бўлиб ишлади. Сўнгра ЎзФАнинг Математика институти аспирантурасига кириб илмий изланишларини давом эттирди.

У ердан жаҳонга машҳур математик олим, профессор Владимир Болтянский ўзи ишлаб турган Москвадаги В.А.Стеклов номидаги математика давлат университетига аспирантурага чақириб "Синтез оптимальных управления в нелинейных колебательный системах второго порядка" мавзусидаги диссертациясига раҳбарлик қилди.

Ғаффорбек Насриддинов ўз илмий изланишларида физика, кимё, биология, ҳатто иқтисодиёт билан бошқарувнинг боғлиқлиги ва уларнинг илмий-амалий, назарий томонларини илмий асосда очиб берганлиги олимлар томонидан юқори баҳоланиб, физика-математика фанлари номзоди илмий унвони берилди.

Ғаффорбек Насриддинов "Тадбиқий математика ва механика" факультетида устози, академик Т.Саримсоқов билан биргаликда фаолият кўрсатди.

Татбиқий математика янгилик бўлганлиги сабабли ёш олим республикамизнинг кўплаб институтлари математика муаллимларига ўнлаб маърузалар қилди. У биринчи бўлиб математикадан ўзбек тилида "Оддий дифференциал тенгламалар" (1982) махсус дарслигини, 1984 йилда эса математика ва бошқа фанлар орасидаги боғлиқликка оид "Математик иқтисодиёт элементлари" номли дарсликларни яратди.

Профессор Ғаффорбек Насриддинов кўзга кўринган амалиётчи-услубшунос ҳамдир. Унинг "Математик дастурлаш", "Эконометрика", "Иқтисодчилар учун математика" китоблари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан юқори баҳоланди.

"Тадбиқий математика" кафедрасини бошқарар экан, нафақат илмий ишда, балки раҳбарлик қилиш фаолиятида ҳам янги қирралари кўзга ташланди ҳамда университетнинг кўп сонли олимлари орасида танилди.

1986 йилдан танлов асосида кафедра профессори лавозимида ишлай бошлади. 2003 йилдан буён эса янги ташкил қилинган "Иқтисодиётда математик услублар" кафедраси факультетида профессор.

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ,**
**Халқ таълими фидойиси**

## ТАБИИЙ ОФАТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**"Жанна" табиий офати натижасида Гаити оролида 556 киши ҳалок бўлган ва кўплаб одамлар турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Ушбу шафқатсиз тўфон денгиз қирғоқларида яшаётган аҳоли уйларини вайронага айлантирган. Кучли шамол аралаш ёққан ёмғир эса, орол ичидаги ҳудудларда ер кўчкиларига сабаб бўлган. Тинимсиз ёғаётган ёмғир қишлоқларни ювиб кетмоқда. Дом-дараксиз йўқолганларнинг сони ҳам бир неча баравар ортиб кетган. "Жанна" оқибатида талофат кўрганлар ҳақидаги маълумотлар бошқа шаҳарлардан ҳам келмоқда. Шу ҳақда "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги хабар берди.**



**Худди шу офат ўтган ҳафтада кўплаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлган эди. Айни шу сабабдан Гаити Республикаси бош вазири Жерар Латортю мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилди. Ҳудуд қутқарув хизмати жадал суръатлар билан ҳар бир инсон ҳаёти учун курашмоқда. Воқеа жойига беғараз ёрдам—дори-дармонлар ва ичимлик сувлари етказиб берилмоқда. Оролдаги БМТнинг тинчликсевар кучлари хонадонлар томларида қолиб кетган одамларни вертолётлар ёрдамида эвакуация қилишаяпти.**

## ИСРОИЛ ЯНГИ ҚУРОЛ СОТИБ ОЛДИ

**Исроил ҳукумати яқин кунлар ичида АҚШдан 5 мингта ақлли дея аталаётган бомбаларни сотиб олишни режалаштирмоқда. Ушбу бомбалар фазодаги сунъий ер йўлдошлари орқали бошқарилади. Бу ҳақда "Ha'aretz" газетаси хабар тарқатди. Шартноманинг умумий қиймати 319 млн. долларни ташкил этади. Аммо тўлов АҚШнинг Исроилга ажратган ёрдам пулидан чегириб олинади. Бомбаларнинг оғирлиги 250 кг дан бошланиб, бир тоннагача етади.**



**Пентагон тарқатган маълумотларга кўра, бомбалар 2 метр қалинликдаги бетон истеҳкомларни ҳам бемалол яксон қилиш имкониятига эга. Исроил давлати яқин йиллар ичида ўзининг ҳарбий салоҳиятини ошириш ва қурол-яроғ заҳирасини модернизация қилишга қарор қилди. Худди шу бомбалар Исроил ҳаво кучлари томонидан 2002 йилда қўлланилган эди. Натижада "Хамас" жанговар гуруҳининг етакчиларидан бири ҳалок бўлган. Эндиликда учувчилар қурол турини жанговар ҳолатларда ишлатишни машқ қилмоқдалар.**

## ЭНГ БАЛАНД БИНО ҚУРИЛМОҚДА

**Бирлашган Араб Амирликларида дунёдаги энг баланд бино қурилмоқда. "Бурж Дубай", яъни "Дубай минораси"нинг аниқ ўлчамлари ҳозирча айтилаётгани йўқ. Аммо, кузатувчиларнинг айтишича, минора баландлиги 600 метрни ташкил қилади. Мисол учун, ҳозирги кунгача дунёдаги энг баланд бино Малайзиянинг пойтахти Куала-Лумпур шаҳридаги эгизак "Петронас Товерс" бўлиб, унинг баландлиги 452 метрни ташкил қилар эди.**



**Миноранинг қурилиши 3 йилга мўлжалланган. Унга сарфланадиган маблағ эса, 1 млрд. доллардан ошиб кетиши мумкин. Дубай шаҳзодаси Муҳаммад бин Рашид ал-Мактумнинг айтишича, ушбу қурилиш оламшумул воқеа бўлади. Режаларга кўра, минорада меҳмонхона, офис, савдо дўконлари ва кўнгилочар мажмуалар жойлашади. Алоҳида бой кишилар учун осмонўпар мажмуадан хонадонлар ажратилади. Хорижликлар учун сотиб олинган уйларнинг ҳужжатлари билан бир қаторда амирликда яшаш имконини берадиган ижозат визалари тақдим қилинади.**

**Интернет манбалари асосида С.ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.**

## ЯНГИ ДАРСЛИК ТАҚДИМОТИ




Эндигина биринчи синфга қадам қўйган болакай учун ҳамма нарса қийин туюлаверади. Чунки боғчада ўйнаб юрган, турли тўполонлар қиладиган кичкинтой кунига 3-4 соат партада ўтириб, дарс тинглайди, ўрганади. Дарслар болани толиқтириб қўймаслиги учун биринчи ўринда ўқув дарслиги болага мос, ўйинлар билан уйғунлашган бўлиши керак. Бу эса ўзлаштиришни осонлаштиради. Бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган янги "Zoom" инглиз тили дарслиги айнан шундай талабга жавоб беради. Рангли расмлар ўйлашга, фикрлашга ундайдиган машқлар давомида бевосита бола тилни ўргана боради. Мазкур дарслик бошланғич синфларда инглиз тилини ўргатиш билан бир вақтда ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун яратилган "Fly High" дарсликлари сериясини бошлашга тайёрлов курси сифатида ҳам хизмат қилиши кўзда тутилган. Китобнинг ёзилишида маслаҳатчи вазифасини бажарган буюк британиялик таниқли мутахассис Дайана Любельсканинг иштироки курсни замонавий талаб даражасида ва синовдан ўтган услуб асосида ёзилганлигига кафолатдир. Мазкур курснинг яратилишида Британия Кенгаши ва АҚШ элчихонасининг бевосита иштироки бор. "Zoom" тўрт қисмдан иборат бўлиб, унинг ҳар бир қисми Асосий дарслик, Ўқитувчининг китоби, Ўқувчининг иш дафтарчаси ҳамда кассета ва карточкалар тўпламидан ташкил топган. Дарсликда берилган катта миқдордаги қўшимча вазифалар мазкур дарсликни ўқувчиларнинг билим даражаси ҳар хил бўлган синфларда қўлланишини таъминлайди. Китоблар сўнгида келтирилган инглизча-ўзбекча-русча луғат ҳам ўзбек-рус тилида ёзилган. Бу эса дарсликлар ўзбек ва рус гуруҳларида бир хил қўлланилиши мумкинлигидан далолатдир.




Куни кеча ЎзДЖТУда ушбу дарсликнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари Ассоциацияси, Британия Кенгаши, АҚШ элчихонасининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими ҳомийлигида ўтказилган ушбу тадбирда китоб муаллифлари, инглиз тили ўқитувчилари, ўқувчилар ва матбуот ходимлари иштирок этдилар. Қизиқарли ўтган тадбир якунида ютуқли ўйин ўтказилиши ҳам тақдимотнинг эсда қоларли бўлишини таъминлади.

**Назокат ХОЛМЕТОВА, "Ma'rifat" мухбири**

# БМТ: ҚАШШОҚЛИК БИЛАН КУРАШИШ – ОЛИЙ МАҚСАД

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош котиби Кофи Аннан ўзининг дунё раҳбарларига қилган мурожаатини қуйидаги сўзлар билан бошлади: "Мен дунё мамлакатлари раҳбарларини Ер куррасида қашшоқлик билан энг юқори даражада курашишга даъват этаман. Бу дегани, ҳеч бўлмаса 2015 йилга қадар 1 млрд. ўта қашшоқ аҳоли сонини камайтиришимиз керак". Кўплаб мамлакатларда одамлар ниҳоятда ночор аҳволда, пана-пастқам, ҳеч қандай шароитлари бўлмаган ҳужраларда яшайди. Бошқалар эса иложи борича арзон ижара пули тўланадиган маҳаллаларни танлашади. Сабаби уларнинг бошқа иложи ва имконияти йўқ. Кам даромад, ҳеч қандай таълимга эга бўлмаслик, устига-устак соғлиқларида кўплаб муаммолари бор инсонлар ўз ҳаётларини яхшилай олмайди. Охирги пайтларгача камбағаллик ва қашшоқликни фақатгина маблағ, яъни пул билан боғлашар эди. Эндиликда шахснинг топиш-тутишига қўшимча унинг маълумоти, соғлиғи, танлаш ва тайинлаш ҳуқуқи, эркинлиги ҳам қўшилди. Энг асосийси, сўнгги йилларда одамларнинг соғлиги салбий тарафга ўзгармоқда. Бу эса ўз навбатида кишиларни тўлиқ кун ишлашига тўсқинлик қилиб, маошининг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Вужудга келаётган касалликка совуққонлик билан қараш, кўп ҳолларда нохушликларни даволашга маблағ топа олмаслик оила раҳбарларини боши берк кўчага киритиб қўяди ва бошқа оила аъзоларини янада қийин аҳволга солиб қўяди.




Ўрта ёки умумтаълимга эга бўлмаганлар, қўлида ҳеч қандай ҳунари йўқ фуқаролар, биринчилардан бўлиб камбағал ва қашшоқлар синфига киради. Чунки аксарият ҳолларда уларга жуда оз миқдорда маош тўланади ёки умуман ишсизлик ҳолатига тушиб қолишади. Бу ҳалқа келажак сари боғланиб кетаверади. Зотан, ушбу оилаларда болаларни ўқитишга, уларга илм ёки ҳунар ўргатишга маблағ топилмайди. Оила бошлиқларининг унда-бунда топадиган пуллари зўрға егуликка етади.

Кўплаб мамлакатларда камбағалларнинг асосий қисмини аёллар ва болалар ташкил қилмоқда. Баъзи ота-оналар ёш қиз ва ўғилларини ҳаддан ташқари барвақт ишлашга мажбур қилишади. Мактабга бориш ва таълим олиш ҳақида гап ҳам бўлмайди.

Африканинг кўплаб ҳудудларида айнан қашшоқлик турли хил юқумли касалликларга, жумладан, ОИТСга олиб келаяпти, деб таъкидламоқда дунёнинг етакчи шифокорлари. Ушбу давоси йўқ касаллик жадал равишда кўпайиб, ижтимоий ва иқтисодий инқирозга олиб бормоқда. Рақамларга қараганда 1999 йилнинг охирида Ер юзида чамаси 34 млн. киши ОИТСга дучор бўлган. 2010 йилгача эса таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, шу хасталик туфайли Африка қитъасининг ўзида 40 млн. бола етим қолиши мумкин. БМТнинг кузатишича, 38 энг камбағал мамлакатлардан 20 таси ёки уруш ҳолатида ёки урушдан эндигина чиққан минтақалар.

Энг кўп ночор аҳволда яшовчилар Жанубий Осиё минтақасида қайд этилган. Камбағалларнинг энг юқори қисми Африканинг Сахара чўлига яқин ҳудудларида кузатилган. Умум аҳолининг роппа-роса 46,3 фоизи катта қийинчиликларда кун кечирмоқда. Тахминан 1 млрд. одам умуман ҳеч қандай таълим ва маълумотга эга эмас. 1 млрд.дан ошиқроғи эса тоза ичимлик сувини истеъмол қилиш имкониятидан бебаҳра. Салкам 840 млн. киши тўйиб овқатланолмайди. Шу рақамнинг учдан бир қисми тахминан 5 ёшгача бўлган болалар очликдан турли хил касалликларга дучор бўлишади.

Ер шарининг 20 фоиз бой аҳолиси ёки ривожланган мамлакатлар фуқароларининг 86 фоизи ички ялпи маҳсулотлардан фойдаланиш имкониятига эга. Аммо қолган қисми ривожланаётган ва уруш ҳолатидаги давлатлар фуқаролари худди шу кўрсаткичнинг фақат 1 фоизидан фойдалана олади. Жаҳоннинг бой 3 кишисининг айланма маблағи 48 камбағал мамлакатларнинг ички ялпи маҳсулотига тенг.

Ер юзида ҳар 7 сония ичида бир бола очликдан ёки тўйиб овқатланмаслик натижасида вужудга келадиган касалликлардан нобуд бўлади. Танзания давлатининг охирги йиллардаги қарзларини қайтариши учун сарфлаган пули, бошланғич таълим ва соғлиқни сақлашга ишлатадиган маблағидан 9 баравар кўп. Гандурас давлатининг қарзлари эса, унинг экспорт салоҳиятидан 208 фоиз ортиқ. Гандурас ҳар йиллик бюджетининг 55 фоизини қарзларга тўлашга мажбур.

АҚШда 2001 йил март ойларидаги расмий ҳисоб-китобларга қараганда, АҚШ аҳолисининг 32,9 миллиони қашшоқ дея тан олинган. 2002 йилга келиб эса, уларнинг сони 34,6 млн кишини ташкил қилган. Ўз кунини қийинчилик билан кўраётган АҚШ аҳолисининг 12,5 миллиони қашшоқлик даражасидан бирозгина юқори туради ва кам таъминланган аҳоли қатламига киради.

Коста-Рика, Куба, Шри-Ланка, Вьетнам ҳамда Ҳиндистоннинг Керала штатида вазиятни яхшилаш учун талайгина ишлар қилинди. Юқорида қайд этилган мамлакатларда болалар ўлими сезиларли даражада қисқарди. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимояга катта эътибор қаратилди. Болаларнинг 50 фоиздан ортиқроғи бошланғич таълим мактабларига чиқа бошлади. Худди шу иқтисодга эга давлатлар қаторида бу катта ютуқ ҳисобланади. Мисол тариқасида Ҳинд океанида жойлашган Маврики оролини қайд этиш мумкин. Бу кичкина давлат охирги йиллар ичида ҳарбий харажатларни ярмига қисқартириб, тежаб қолинган пулларни бошланғич ва ўрта таълимга, соғлиқни сақлашга сарфламоқда. Натижада орол фуқароларининг 98 фоизи тиббий кўрикдан тез-тез ўтиб туриб, шифохоналарда даволанмоқда. Аҳолининг 97 фоизи эса тоза ичимлик сувини истеъмол қиладиган бўлди.

Албатта, жараён ижобий кўрсаткичлар сари йўналмоқда. Бироқ, дунёда бу борада ҳали қилинадиган ишлар талайгина.

**БМТнинг "Минг йиллик ҳисоботи" асосида Сарвар САЙЁР ўғли тайёрлади.**

## Nigoh

1999 йилда Халқаро валюта фонди ва дунё банки қарздор мамлакатлар кредитларини тўлаш учун имтиёзли ставкаларни қабул қилиш ва ўта қарзи кўпайиб кетган мамлакатлар қарзларининг маълум қисмини кечиш тўғрисида дастур қабул қилди. Ушбу рўйхатга 41 мамлакат киритилиб, қарз миқдоридан келиб чиққан ҳолда 70 фоизгача бўлган маблағни кечиб юборишга қарор қилинди. Шунда кўрсаткич 170 млрд. долларни ташкил қилиши кўзда тутилган эди. Бироқ шу вақтгача юқорида кўрсатилган мамлакатларнинг фақат баъзиларигина ушбу имкониятларни қўлга кирита олди.

Лекин дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳам бу борада кўплаб муаммолар вужудга келган. Масалан,

**O'quvchi-yoshlarni «tarbiyali bo'ling» degan bilan tarbiyali bo'lib qolmaydi. Buning uchun, avvalo, ota-ona shaxsiy namuna ko'rsatmog'i lozim.**



# ТАРБИЯДА НУҚСОН БЎЛМАСИН!

**вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича методик тавсия**

Ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялаш бугун жамиятимиз олдида турган долзарб масалалардан бири.

Ёш авлоднинг тарбияси билан боғлиқ педагогик муаммолар орасида вояга етмаганларнинг қонунни бузишига сабаб бўладиган омил алоҳида ўрин тутади. Ҳар қандай ҳуқуқнинг бузилиши замирида ёшларнинг тақдири, уларнинг меҳнат ва ахлоқий тарбиясидаги нуқсон ётади.

Ёш авлод тарбияси билан шуғулланадиган педагоглар келгуси авлод баркамоллиги учун масъулдир.

Ўзбек халқи ўзининг таълим-тарбияга оид улкан меросига эга. Бу мерос бугунги авлодни инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат, оқибат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, мардлик, юксак ахлоқ руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ота-она, авлод-аждодларимиз тажрибасига кўра, ўғил-қизларни ёшлигидан меҳнатсевар, ҳар бир топшириқни катта ёки кичиклигидан қатъий назар, ўз вақтида, аниқ бажарадиган, умрининг ҳар бир дақиқасини қадрлайдиган қилиб тарбиялаши лозим. У ёки бу оиладаги тарбиянинг самарадорлиги, албатта, ота-онанинг қанчалик билимли, маданиятли бўлиши, бола тарбиясига масъулият билан қараши, фарзандлари келажагини чуқур ҳис этишлари, тажрибада синалган миллий урф-одат ва анъаналардан унумли фойдаланишларига боғлиқ. Тарбияда талабчанлик, ота-она ва катта ёшдаги кишиларнинг ўзаро аҳилликлари, кичикларга ғамхўрлик, осуда турмуш ва ҳалол меҳнат оилавий тарбиянинг асосини ташкил этади.

Лекин, жамиятимизда ёшлар тарбиясида айрим бўшлиқлар вужудга келаётганини, дунёқараши паст, билими заиф, жиноятга қўл урган, гиёҳвандликка мойил, ичкилик ва чекишга ружу қўйган, ўқишга қизиқмайдиган болаларнинг борлиги ташвишли ҳолдир.

Тарбияси оғир, жиноятга қўл ураётган ўсмирлар қаердан пайдо бўлаяпти? Умумий ўрта таълим тизимида ўқитувчиларимиз ўқувчиларимизга етарли билим бермаяптими? Ёки турмуш ташвишлари билан ўралашиб, оилада фарзанд тарбиясига ота-оналар эътиборсиз қараяптими?

2004 йил 29 апрелда Республика Президенти Ислом Каримов Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ» номли нутқида: «Муҳим бир ҳақиқатни барчамиз унутмаслигимизни истардим. Тарихимизни эсласак, бизнинг миллатимиз табиатида олижаноблик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, керак бўлса, ўта соддалик хусусиятлари устун бўлиб, халқимиз тажовузкор бўлмаган, разил ўйинларни ўзига қабул қилмаган ва инсонийлик шаънига зид бўлган бундай ҳаракатларни доимо рад этган. Рўй берган воқеаларга мана шундай мантиқий кўз билан қараб, аксарият йўлдан адашганларнинг аянчли қисматига баҳо берадиган бўлсак, бунинг сабабини уларнинг онгу тафаккури ҳали шаклланмаганидан, ақли ва билими етишмаганидан, буларни асраш, ёмон йўлдан қайтариш учун керакли пайтда ёнида имон-иродаси бақувват, ўзига яқин одам топилмаганидан ахтаришимиз керак» деган эди.

Хўш, балоғатга етмаган ёшларнинг хулқ-атворига ёрдам берадиган, ўзига яқин одамлари кимлар?

Унинг инсонийлиги, ахлоқ-одоби, хулқ – атвори даставвал ўз оиласида шаклланади. Демак, оила тарбия масканидир. Инсонийликнинг илк хислатлари ота-она берган тарбия орқали болага ўтади.

Ўқувчи-ёшларни «тарбияли бўлинг» деган билан тарбияли бўлиб қолмайди. Бунинг учун, аввало, ота-она шахсий намуна кўрсатмоғи лозим. Бола инсонийлик хислатларини, эзгуликни, одамийликни, яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам энг аввало оиладаги катталарнинг хатти-ҳаракатларидан ўрганади. Ота-она ўз хулқ-атвори билан фарзанд ҳурматига сазовор, унинг ҳаёт йўлида ўрнак бўлиши лозим.

Шундай оилада ўсган болагина ота-онани, қолаверса ўз устозларини ҳурмат қиладиган, маҳалла-кўйда ўзидан кичикни ҳурматлаш, катталарни иззатлашни ўз ўрнига қўядиган, халқпарвар бўлиб етишади. Оилада ота-она ичувчи, жанжалкаш бўлса, унинг тескариси бўлади.

Оилавий омиллар ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Ижобий сифатларни қарор топтириш учун ёшлар билан, айниқса юқори синф ўқувчилари билан мунтазам шуғулланиш лозим.

Айрим ота-оналар бола тарбиясида жисмоний жазо зарур ва фойдали деб ҳисоблайдилар. Тўғри тарбия ўз олдига боланинг қобилиятини йўқ қилиб ташлашни эмас, балки ҳар томонлама ривожлантиришни, унинг иродасини, характерини мустаҳкамлаш вазифасини қўяди. Бу ерда педагогик таъсирнинг бошқа, тўғрироқ усулларидан фойдаланишимиз лозим. Ҳар бир тарбиячи тарбия санъаткори бўлмоғи керак. Бу болаларни севиш санъатидир.

Тарбияси оғир, қаровсиз қолган болаларнинг ота-оналари билан ишлаш зарур. Болаларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, тўгаракларга қатнашишларини, ҳунармандчиликка ўргатишни таъминлаш, ҳар бир тарбияси оғир болага жамоатчилик фаоллари бириктириш, вақти-вақти билан уларнинг ҳисоботларини тинглаш лозим.

Бундай улкан, масъулиятли, шарафли ишни оила, маҳалла, мактаб, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориш самарали натижа беради.

Маҳалланинг устунлиги шундаки, бу ерда кўп йиллар давомида бирга яшаган, бир-бирини билган, синаган, таниган кишилар истиқомат қиладилар. Улар ҳар бир оиладаги муҳитни ва ҳар бир бола тарбиясини, ота-онасининг маҳаллада тутган ўрни ва обрў-эътиборини, ҳар бир оиланинг мавқе-имкониятларини яхши биладилар. Бунинг учун:

— Маҳалла-мактаб-оила-жамоатчилик ҳамкорлиги режасини тузиш:

— тарбиявий ишларни ўтказиш дастурини ишлаб чиқиб, шу дастур асосида маҳаллада яшовчи ҳар бир бола билан тарбиявий ишларни олиб бориш;

— маҳаллада болаларнинг дам олишига, қизиқарли ишлар билан шуғулланишига имконият яратиб бериш;

— маҳаллада тарбиянинг таъсирини ошириш;

— ҳомий ташкилотлар ёрдамида маҳаллаларга ёрдам бериб, махсус спорт-соғломлаштириш майдончаси ташкил этишга кўмаклашиш;

— мактаб маъмурияти билан ота-оналар мажлисларини уюштириш, таълим-тарбия жараёнига оид масалаларни муҳокамага олиб чиқиш;

— маҳаллаларда қизлар ҳаёси, ибоси, турмушга, ҳаётга тайёрлиги ҳақида баҳс, мунозаралар ўтказиш;

— ёшларда миллий урф-одатлар, азалий удумлар, халқ оғзаки ижоди намуналарига ҳурмат уйғотиш, тарихий анъаналарни ўргатиш, бу борада мактаб, жамоатчилик, маҳалла аҳли ҳамкорлигида тадбирлар ўтказиш лозим.

Ўқув муассасаларида, жамоатчилик ўртасида, ёшлар тарбияси билан шуғулланувчи барча ташкилотларда, прокуратура, милиция, адлия ходимлари билан ҳамкорликда ишлаш, ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш ҳам муҳим масаладир.

Қайд этиб ўтилган ишлар давлатимиз томонидан вояга етмаган ёшлар ўртасида қонунбузарликнинг олдини олиш тадбирларига оид ҳужжатларга суянган ҳолда бажарилиши лозим.

Ҳозирда умумтаълим мактабларида бошланғич синфлардан бошлаб «Конституция алифбоси», «Конституция оламига саёҳат», «Болалар Конвенцияси», «Инсон ҳуқуқларининг жаҳон декларацияси», «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Ҳуқуқшунослик» рукни остида дарсликлар ва қўлланмалардан фойдаланилган ҳолда ўқувчиларга ҳуқуқий тарбия бериб борилмоқда.

Ўқувчиларга фуқаролик туйғусини янада сингдириш, уларда ахлоқий эътиқодларни шакллантириш борасида қуйидагиларга эътиборни жалб қилмоқ жоиздир:

— ҳуқуқ асослари юксак илмий ва методик савияда ўқитилишини таъминлаш;

— мактаб ихтиёрига берилган соатлардан X-XI синфлар учун ажратилган ҳуқуқ дарслари ўқитилиши учун шароит яратиб бериш, келгусида бу дарслар юзасидан кенг қамровли семинар дарслар ўтказиш, саҳна кўринишлари тайёрлаш;

— дарсдан ташқари вақтда оммавий ахборот воситалари, вақтли матбуот, радио ҳамда ҳозирги кунда Ўзбекистон Ёшлар телеканалида намойиш этилаётган «Қилни қирқ ёриб» кўрсатувлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўқувчилардан билиб бориш;

— «Инсон ва ҳуқуқ» мавзусида суҳбат ва маърузалар туркумидан, ҳуқуқшунослар гурунги ва шу кабилардан фойдаланиб ўқувчилар ўртасида ҳуқуқ тарғиботни кучайтириш;

— суд, прокуратура, адлия ва милиция ходимлари билан маҳаллада тарбияси оғир, тарбияга муҳтож бўлган болалар, уларнинг оилалари билан ишлаш тадбирлари, давра суҳбатлари уюштириш;

— ўқувчилар оилаларини эътибор билан ўрганиб, уларнинг ота-онаси характери, хусусиятларини, маълумотини, эътиқодини, маънавий қиёфасини, моддий таъминланганлигини, болаларга муносабатини ҳар бир синф раҳбари билиши;

— ўқув муассасалари ва ҳуқуқ тарғибот органлари билан ҳамкорликда ўқувчига мос ҳуқуқий таълим-тарбия беришни уюштирувчи доимий ҳаракатдаги кенгашни ташкил қилиш;

— ҳуқуқий фанларни ўқитиш учун ҳуқуқий маълумотга, маълум тажриба ва иш стажига эга бўлган кишиларни жалб этиш;

— ўқув машғулотларининг ранг-баранг шакл ва услубларидан фойдаланган ҳолда ўйинлар, муаммоли вазиятлар, ҳуқуқий органлар қошида ўтказиладиган очиқ мулоқотлардан фаол фойдаланиш.

Ҳозирги кунда Республикамизда мавжуд мактабдан ташқари таълим муассасалари (бунга ўқувчилар ижодиёт уйлари ва саройлари, Ёш техниклар марказлари, экологик таълим марказлари, Ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар марказлари, спорт ва мусиқа мактаблари, кутубхоналар, клублар)-га кўпроқ ўқувчиларни жалб этилишига эришиш лозим.

Шунингдек:

— ўқувчилар иқтидорини янада такомиллаштириш мақсадида турли оммавий тадбирлар, мусобақалар ва кўрик-танловлар ўтказиш йўли билан бой маданий меросимизга ҳурмат, она-Ватанга, унинг рамзларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ишларни ташкил этиш;

— соғлом авлодни тарбиялаш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

— «Таълим тўғрисида»ги қонун талабларини амалга татбиқ этиш, 9-синф битирувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш, уларнинг бирор йўналишга бўлган қизиқиш ва мойилликларини ўрганиш ҳамда ҳар бир ўқувчига кейинги таълим йўналишини танлаш учун умумий ўрта таълим мактабларида психологлар, тегишли мутахассислар билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

— ҳудудларда жойлашган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига мактаб битирувчиларини олиб бориб, «Очиқ эшиклар куни» ташкил этиш ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик шартномалари тузишни йўлга қўйиш;

— мактабга қатнамаётган ўқувчиларни тўлиқ мактабга тортиш масаласини ҳал этиш;

— таълим муассасаларида ўқувчиларга нотўғри баҳо қўйиш, ўринсиз мақташ ёки койиш, қўпол муомала қилиш ҳолатларига барҳам бериш;

— ақли заиф болалар махсус мактаб ва мактаб-интернатларини тамомлаган ўқувчиларнинг ўқишини давом эттириши учун махсус касб-ҳунар коллежлари ташкил этилишини жойлардаги ҳокимликлар билан ҳал этиш чорасини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Таълим муассасаларимиздаги кутубхоналарни бадиий адабиётлар билан бойитиш, республикамизда ва вилоятларда чоп этилаётган газета, журналларда шу йўналишдаги илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, ўқувчилар қизиқишига қараб тўгараклар сонини кўпайтириш ва ёзги дам олиш оромгоҳларига кўпроқ ўқувчиларни жалб этишни йўлга қўйиш ҳам вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олишга хизмат қилади.

**РТМ**
**«Маънавий-маърифий ишлар» бўлими**

Futbol

# СЕВГАН ЖАМОАНГИЗНИ ҚЎЛЛАНГ!

Ўтган ҳафтада футбол мухлислари зерикишмади: Осиё чемпионлар лигаси чорак финал ўйинларининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтган бўлса, Европа чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларида 1-тур ўйинлари ўтказилди. Сариқ қитъа ЧЛ баҳсларида иштирок этаётган Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси чорак финалдаги илк учрашувни Абу-Даби шаҳридаги "Ал-Наҳян" стадионида Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал-Ваҳда" жамоасига қарши ўтказди. Ўйиннинг бошлариданоқ ташаббусни ўзларига оғдиришга интилган араб футболчилари 10-дақиқадаёқ ҳисобни очишга эришишди. Игнатий Нестеровнинг хато қилган ҳолда ўз жойини тарк этишидан фойдаланган Антонин Нантчо жамоасини олдинга олиб чиқди. Шундан сўнг "Ал-Ваҳда" футболчилари ҳисобни янада ошириш, "пахтакорчи"лар эса тенглаштириш пайида ўйнай бошладилар. Ниҳоят, учрашувнинг 85-дақиқасида тошкентликларнинг мақсади амалга ошди. Имкониятига яраша суст ҳаракат қилган Анвар Солиевнинг ўрнига майдонга тушган Элдор Мағдиев чиройли индивидуал ҳаракати билан "Ал-Ваҳда" дарвозабони Ҳусайн Алини доға қолдирди.

Бугун марказий "Пахтакор" стадионида жавоб учрашуви бўлиб ўтади.

Осиё чемпионлар лигаси чорак финал дастлабки ўйинларида яна уч учрашув ўтказилди: "Ал-Айн" (БАА) — "Чонбук Моторс" (Жанубий Корея) 0:1, "Далян Шайд" (Хитой) — "Ал-Иттиҳод" (Саудия Арабистони) 1:1, "Сеонгнам Чунма" (Жанубий Корея) — "Шаржа" (БАА) 6:0.

Европа чемпионлар лигаси гуруҳ учрашувлари натижалари қуйидагича: "А" гуруҳи: "Депортиво" (Испания) — "Олимпиакос" (Греция) 0:0, "Ливерпул" (Англия) — "Монако" (Франция) 2:0. "В" гуруҳи: "Байер" (Германия) — "Реал" (Испания) 3:0, "Рома" (Италия) — "Динамо" (Украина) 0:1 (учрашув якунланмай қолган). "С" гуруҳи: "Аякс" (Голландия) — "Ювентус" (Италия) 0:1, "Маккаби" (Исроил) — "Бавария" (Германия) 0:1. "Д" гуруҳи: "Лион" (Франция) — "Манчестер Юнайтед" (Англия) 2:2, "Фенербахче" (Туркия) — "Спарта" (Чехия) 1:0. "Е" гуруҳи: "Арсенал" (Англия) — ПСВ (Голландия) 1:0, "Панатинаикос" (Греция) — "Русенборг" (Германия) 2:1. "F" гуруҳи: "Селтик" (Шотландия) — "Барселона" (Испания) 1:3, "Шахтёр" (Украина) — "Милан" (Италия) 0:1. "G" гуруҳи: "Интер" (Италия) — "Вердер" (Германия) 2:0, "Валенсия" (Испания) — "Андерлехт" (Бельгия) 2:0. "Н" гуруҳи: "Порту" (Португалия) — ЦСКА (Россия) 0:0, ПСЖ (Франция) — "Челси" (Англия) 0:3.

Шерали МАҲМАРАЙИМ ўғли

## А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИнинг 2004 йилнинг октябрь ойи учун халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари режаси

| № | Курс тингловчилари тоифалари | Муддати |
|---|---|---|
| 1 | ПХҚТМОИлар ижтимоий фан ўқитувчилари | 4-16 |
| 2 | Туман(ш) ХТБ метод кабинет мудирлари | 4-16 |
| 3 | Туман (ш) ХТБ методи кабинетлари кутубхонаси ходимлари учун "Замонавий кутубхона ва ахборот технологиялари мавзусида муаммоли ўқув курслари ўтказиш" | 4-9 |
| 4 | Туман (ш) ХТБ бошланғич таълим методистлари учун ИПТ ва рейтинг тизимини қўллаш бўйича маърузачилар курси | 4-16 |
| 5 | Ташхис маркази дефектологлари махсус курси | 18-30 |
| 6 | Туман (ш) ЧЕТ бўйича методистлари | 18-30 |
| | **Умумий ўрта таълим мактаб директорлари, мутахассислик фанлар** | |
| 7 | Ўзбек тили ва адабиёти | 4-30 |
| 8 | Тарих-география | 4-30 |
| 9 | Рус ва хорижий тиллар | 4-30 |
| 10 | Ёш директорлар | 4-30 |
| 11 | Математика-информатика | 4-30 |
| 12 | Химия-биология | 4-30 |
| 13 | Тошкент шаҳар УЎТМ директорлари | Октябрь-ноябрь |
| | **Махсус таълим муассасалари ходимлари** | |
| 14 | Кар, заиф эшитувчи болалар мактаби она тили, адабиёт ўқитувчилари | 4-16 |
| 15 | Меҳрибонлик уйлари тарбиячилари | 18-30 |
| 16 | Ёрдамчи мактаб тарбиячилари (Фарғона вилоятида) | 4-16 |
| | **Мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари** | |
| 17 | ЎТИМ директор ўринбосарлари | 18-30 |

*Эслатмалар:*

1. Тингловчилар институт меҳмонхонасига жойлашадилар, институт кутубхонаси ва қироатхонасидан фойдаланадилар. Сафар харажатлари институт ҳисобидан тўланади. Йўл харажатлари фақат давлат транспортларининг чипталари асосида тўланади. Курсларда машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади. Таниқли педагог-олимлар, ДТС ўқув дастури, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар муаллифлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходимлари билан учрашувлар ўтказилади ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейига ва бошқа зиёратгоҳларга экскурсия уюштирилади.
2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилганлиги ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва улар режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари шарт.
3. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ қошидаги санаторий-профилакторийга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар касаба уюшма қўмитаси томонидан берилган пул ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида қабул қилинади.
4. Хоҳловчилар профилакторийнинг ўзида нақд пулга йўлланма сотиб олишлари мумкин.

**Манзил: Тошкент-95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй. Транспортлар: Жанубий вокзалдан 131-автобуснинг Талабалар шаҳарчаси бекатигача ҳамда Шимолий вокзалдан Беруний метро бекатигача.**

# МАРАТ САФИН КУЧЛИ ЎНЛИКДА

Куни кеча АТР 52 ҳафтадан кейинги теннисчилар рейтингини эълон қилди. Рейтингда биринчи ўринни швейцариялик Рожер Федерер эгаллаб турибди. Иккинчи ўринда эса америкалик Энди Роддик, учинчи — австралиялик Ллейтон Хьюитт жойлашган. Россиялик Марат Сафин Пекин шаҳрида бўлиб ўтган турнирдаги ғалабасидан сўнг, 13-ўриндан 9-поғонага кўтарилиб, кучли ўнликдан жой олди.

АТР нинг 52 ҳафталик рейтингининг кучли ўнлигидан жой олган спортчилар қуйидагилар:

1. Рожер Федерер (Швейцария) — 6760
2. Энди Роддик (АҚШ) — 3770
3. Ллейтон Хьюитт (Австралия) — 3055
4. Тим Хэнмен (Буюк Британия) — 2825
5. Гильермо Кория (Аргентина) — 2820
6. Карлос Мойя (Испания) — 2670
7. Андре Агасси (АҚШ) — 2140
8. Гастон Гаудио (Аргентина) — 1985
9. Марат Сафин (Россия) — 1760
10. Николас Массу (Чили) — 1730



Бокс бўйича ўта оғир вазндаги собиқ чемпион Майк Тайсон бир ярим ойча аввал Дэнни Уильям билан бўлган жангда тиззасидан жиддий жароҳат олган эди. Шундай бўлса-да, миллионлаб бокс ишқибозларининг "эркатойи" Майк Тайсон жорий йилнинг декабрида яна профессионал рингга қайтади, деб хабар бермоқда AllBoxing.ru Интернет сайти.

# МАЙК ТАЙСОН ДЕКАБРДА РИНГГА ҚАЙТАДИ

У шанба куни Лас Вегасдаги Жонни Токко спорт залига борди. Албатта, машғулотлар ўтказиш учун эмас — Оскар Де Ла Хойя ҳамда Бернард Хопкинс ўртасида Лас Вегасда ўтадиган жангни томоша қилгани. Маълумот ўрнида шуни айтиб ўтиш ўринлики, Майк Тайсон айни кунларда Аризона штатида яшамоқда.

У ёш боксчилар билан суратга тушди, мухлисларига дастхат қўйиб берди. Ва оёғи ортиқ безовта қилмаётганлигини, яна икки ҳафтадан сўнг, декабр ойида бўлиб ўтадиган жангга тайёргарликни бошлашини айтди. Унинг рақиби ким бўлиши ҳозирча маълум эмас.



26 ёшли чанғи спорти (сноуборд –кросс) собиқ чемпиони Лине Эствольд машғулотлар чоғида бошидан олган жароҳати туфайли дунёдан кўз юмди.

Чанғи спорти устаси яна Жаҳон кубогини қўлга киритиш учун тайёргарлик кўраётган эди.

Валье Невадо (Чили)даги трассаларнинг бирида, тепадан тушиш чоғида сноубордчи

# СПОРТЧИ ВАФОТ ЭТДИ

жиддий жароҳат олиб, ҳушини йўқотди. Якшанба куни эса Эствольд Сантьягодаги касалхоналардан бирида вафот этди. У жароҳат олган заҳотиёқ, вертолётда тез тиббий ёрдам етиб борган эди, дея хабар беради "Новости" ахборот агентлиги.

Эствольд жаҳон чемпиони номини 2001 йилда қўлга киритганди. 2002 йилда эса Л.Эствольд спорт билан хайрлашишини айтганди. Аммо бир йилдан сўнг у яна спортга қайтганди.

# ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИСИ

Ҳали 2004 йил тугашига уч ярим ой бўлса-да, спорт соҳаси кишилари йилнинг энг яхшиларини аниқлашни бошладилар.

Россиялик енгил атлетикачи Елена Исинбоева биринчиларидан бўлиб "йилнинг энг яхшиси" бўлди. 22 ёшли бу спортчи тўққиз марта жаҳон рекордини ўрнатишга муваффақ бўлганди. Ана ўшаларнинг саккизтаси жорий йилга тегишли.

Сўнгги жаҳон рекордини у "Афина – 2004" мусобақаларида тўрт метру 92 сантиметрга сакраб янгилади.

"Мен барча беллашувларда кўпгина рекорд ўрнатдим ва бу мавсумда нима қила олишим мумкин бўлса, ҳаммасини уддаладим", — деди Елена Исинбоева.

Спортнинг енгил атлетика турида энг яхши спортчини спорт мутахассислари, ишқибозлар, катта ёшли енгил атлетикачилар аниқлаб берди, деб хабар беради ВВС телекомпанияси. Аввал Интернет ёрдамида аниқланган 15 нафар номзоддан бештагина енгил атлетикачи қолди. Финалдаги бешликни Халқаро енгил атлетикачилар Ассоциацияси томонидан тузилган ҳакамлар ҳайъати баҳолади. Эркаклар ўртасида энг яхши енгил атлетикачи эфиопиялик югурувчи Кенеенс Бекел деб топилди. У Олимпиада ўйинларида 10 минг метрга югуриш бўйича чемпион бўлганди.

**Gongkonglik 28 yoshdagi hind yogasi bilan shug'ullanuvchi yigit ikki soatu 40 minut boshida turib, 300 tomoshabinni taajjubda qoldirdi.**



# МУЧАЛИНГИЗ ҲАМ КИТОБ ТАНЛАЙДИ

*Маълумки, мучал Осиё ва Африка қитъаларидаги мамлакатларда қабул қилинган 12 ҳайвон номи билан аталиб, 12 йилни ўз ичига олади. Ҳар бир инсон муайян йилда ўзининг келгусидаги ҳаётига таъсир кўрсатувчи туғма хислатларга эга бўлиб туғилади. Ҳатто уларнинг қандай китоб ўқишларини тиниб-тинчимас олимларимиз, руҳшунослар аниқлашган.*

*Сичқон мучалидагилар қисқароқ, аммо даҳшатга соладиган ваҳимали китобларни ўқишга мойил бўлишаркан. Бундайларга Эдгар Понинг новеллалари ва Стивен Кинг ҳикоялари роса маъқул келар экан.*

*Сигир мучаллилар жудаям сабр-бардошли бўлишгани учун улар орасида Лев Толстой, Абдулла Қодирий, Достоевский, Агата Кристи романларининг мухлислари кўпроқ. Улар том-том китобларни эринмай ўқиб чиқишга қодирлар.*

*Тиниб-тинчимас, билимга ўч йўлбарс мучалидагилар ҳар қандай китобни — енгил-елпи китоблардан семиз-семиз қомусларгача, Шекспирдан олий математика дарсликларигача ўқиб ташлашлари мумкин экан, баъзан ярмигача ҳам ўқимай чанг бостириб ташлаб қўйиш одатлари ҳам бор.*

*Қуён мучаллилар йиғлатиб юборадиган ишқий романлар ва ёқимли эртакларни ўқишни хуш кўришади.*

*Балиқ мучалидаги кишилар Сидни Шилдон китобларидаги каби саргузаштли воқеалар ва кутилмаган авантюраларга ўч бўлишаркан.*

*Илон мучалидагиларнинг китоб токчаларидан бундай китобларни тополмайсиз, улар хаёлпарастлик ва ёлғон-яшиқларни тан олишмайди, турли қўлланмалар, луғатлар, рўзғорга оид маслаҳатномалар, гоҳида тарихий қиссалар уларнинг жони-дили.*

*От мучалидаги кишилар ҳаёт ва муҳаббат ҳақидаги узун қиссалар, айниқса ўтмишдаги воқеаларни суюб ўқишади. «Шамол олиб кетганлар», опа-сингил Бронтеларнинг «Жейн Эйр» китобларини айниқса кўп мутолаа қилишади.*

*Қўй мучали соҳибларини негадир ўлим билан боғлиқ асарлар қизиқтираркан. Шунинг учун улар фожеали қиссалар, қонли, даҳшатга солувчи мистика ва Чехов пьесалари билан ошно бўлишни ёқтиришар экан.*

*Саргузашт ишқибозлари бўлган маймун мучалидагилар саёҳатлар, олис мамлакатлар, сирли ўзга оламлар ҳақидаги китобларнинг ашаддий мухлиси эканлар.*

*Товуқ мучалидагилар китоб ўқишни унчалик ёқтиришмаса-да, аммо унга билим манбаи сифатида қарашади. Бундайларга Дейл Карнегининг китобларига ўхшаш ҳаётда қандай яшашни ўргатадиган асарлар ёқаркан.*

*Келажакка умидвор ит мучаллилар фантастика ишқибозлари, афсонавий асарларни қизиқиб ўқишаркан.*

*Кўнгли бўшроқ тўнғиз мучалидагилар эса юмшоқ муқовали ишқий романларни ўқиб йиғлаб юришади, гоҳо асар қаҳрамонига айланиб қолишни исташади.*

***P.S: Бунинг ҳаммаси тўғри деб айтолмаймиз, аммо қисман ўхшаши мумкиндир.***

**С.ҲАСАНОВА тайёрлади.**

*Bu — qiziq*

*Luqta*

# ТИРНОҚ ТАҚИНЧОҚҚА МУҲТОЖМИ?

«Ўзига оро бериб, ораста бўлиб юрмоқлик, кишилар кўзига бенуқсон кўринмоқлик савобдандир. Сен замондан ортда қолувчи ҳам бўлма, урф-одат бўйича кийиниб, кўпчилик муслималар тутган тариқат йўлини тут».

Ушбу сатрларни бежизга келтирмадим. Автобусда бехосдан бир қизга урилиб кетганимда, қизнинг айтган гаплари дилимни хира қилди. Эмишки, неча ойдан бери ўстираётган тирноқларидан бирини синдириб юборибман. 3—3,5 см қилиб ўстирилган тирноқлар синганига қиз автобусни бошига кўтарди.

Ҳа, бугунги кунда тирноқ ўстириш, уни турли бўёқлар билан бўяш урфга айланган. Мутахассисларнинг айтишларича, энг кўп микроб йиғадиган жой инсоннинг тирноқлари экан. Шунинг учун гигиена қоидаларига риоя қилиб, тирноқни доимо олиб юриш керак.

Диний китобларда берилишича, тирноқ олинмаган бўлса, таҳорат ҳам қабул қилинмас экан. Демак, тирноқ инсоннинг энг кичик аъзоларидан бири бўлса ҳам, унга жиддий эътибор бериш зарур. Тирноқни ҳаддан ташқари кўп бўяш унинг заифлашишига ва хунуклашишига олиб келади.

Ўйлаб қоласан киши, қизлар 3 см.ли тирноқлари билан уй юмушларини қандай эплашар экан? Кир ювиш, идиш-товоқ... дегандай?

Агар ҳинд аёллари турмушга чиқса, бурнини тешиб, тақинчоқ тақишаркан. Ҳозирда урф бўлиб бораётган лабига, юзининг чекка қисмига ва ҳаттоки киндигига ҳам тақилаётган темир тақинчоқни энди ўсган тирноқларда ҳам кўриш мумкин.

Қадимда ўзбек аёллари қошларига ўсма, кўзларига сурма суришни одат қилганлар. Қўлларига эса доим хина қўйиб юришган. Бу табиий бўлганлиги учун инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатар экан. Мен бу билан доим ўсма суриш ёки фақат хина қўйиб юриш керак демоқчимасман. Фақат ҳар бир ишнинг меъёрида бўлгани маъқул. Зеро, табиий гўзалликка нима етсин!

**Шаҳноза ПИРМАТОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**


## ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ, КУТУБХОНАЧИЛАР ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

**"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан 2004-2005 ўқув йили учун қуйидаги дарсликлар чоп этилди:**

**Ўзбек мактаблари учун:**

1. В.Костецкий "Конституция алифбоси" 2-синф **638 сўм**
2. В.Костецкий "Конституция алифбоси" 3-синф **693 сўм**
3. В.Костецкий "Конституция алифбоси" 4-синф **777 сўм**
4. Конституция оламига саёҳат 5-синф **564 сўм**
5. Конституция оламига саёҳат 6-синф **680 сўм**
6. Жаҳон тарихи 7-синф **1788 сўм**
7. Геометрия 7-синф **820 сўм**
8. Ўзбекистон тарихи8-синф **1166 сўм**
9. Чизмачилик 9-синф **688 сўм**
10. Конституциявий ҳуқуқ асослари 9-синф **725 сўм**
11. Жаҳон тарихи (кирилл)10-синф **1420 сўм**
12. Хидоятов "Жаҳон тарихи"10-синф **1572 сўм**
13. Ҳуқуқшунослик10-синф **1561 сўм**
14. Умумий биология10-синф **1220 сўм**
15. Ўзбекистон тарихи10-синф **1819 сўм**
16. "Ҳуқуқшунослик" (кирилл)10-11 синф **1515 сўм**
17. Умумий биология (кирилл10-11 синф **1596 сўм**
18. Жаҳон тарихи11-синф **1760 сўм**
19. Ўзбекистон тарихи11-синф **1750 сўм**
20. Ҳуқуқшунослик11-синф **855 сўм**
21. Умумий биология11-синф **898 сўм.**

**Рус мактаблари учун:**

1. В.Костецкий "Азбука конституции" 2-класс **777 сўм.**
2. В.Костецкий "Азбука конституции" 3-класс **777 сўм.**
3. В.Костецкий "Азбука конституции" 4-класс **777 сўм.**
4. С.Зинин и др. "Русский язык"5-класс **1015 сўм.**
5. В.Костецкий "Путешествие в мир конституции" 5-класс **497 сўм.**
6. В.Костецкий "Путешествие в мир конституции" 6-класс **879 сўм.**
7. С.Зинин и др. "Русский язык" 6 класс **1045 сўм**
8. А.Сагдуллаев "История Узбекистана" 6 класс **890 сўм**
9. Литература 6-класс **2420 сўм.**
10. В.Костецкий "Путешествие в мир конституции" 7-класс **495 сўм.**
11. Русский язык **8-класс 605 сўм.**
12. История Узбекистана **8-класс 1166 сўм.**
13. Основы конституционного права 9-класс **1206 сўм.**
14. Общая биология 10-11 класс **1596 сўм**
15. Русский язык10-11 класс **1000 сўм.**
16. Коллектив "Правоведение" 10-11 класс **1829 сўм.**
17. Г.Хидоятов "Всемирная история" 10 класс **1420 сўм.**
18. История Узбекистана 10-класс **965 сўм.**
19. Всемирная история11-класс **1075 сўм.**
20. История Узбекистана 11-класс **1170 сўм.**

***Диққат! Диққат! "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси яқин кунларда 6-синф учун тарих дарслигини илк маротаба лотин алифбосида ҳамда химия (7-синф), география (6-синф), география (8-синф) дарсликларини ўзбек ва рус тилларида чоп этади.***

**Дарсликлар тожик, қозоқ, туркман, қирғиз тилларида ҳам мавжуд. Сиз ушбу дарсликларни ҳамда бадиий, иқтисодий ва маърифий мавзудаги, шунингдек, болалар учун нашр этилган янги алифбодаги китобларни "Шарқ зиёкори" китоб дўкони ва унинг вилоятлардаги филиаллари орқали чекланмаган миқдорда нақд ёки пул ўтказиш йўли билан улгуржи харид қилишингиз мумкин. Улгуржи харидорларга чегирма (скидка) берилади.**

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 26, "Шарқ зиёкори" китоб дўкони (мўлжал: Алишер Навоий номидаги театр),
тел: 133-58-72, 133-35-90



**Вилоятларда:**
Бухоро шаҳри, Иқбол кўчаси 11-уй, тел: 22-37-596
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси (Оқ бозор биноси), тел: 226-42-93.
Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 71. тел: 25-38-93.
Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15.
Тел: 33-23-8-68.
Наманган шаҳри, Ахси кўчаси, (Сардоба бозори ёнида) тел: 6-48-31.
Хива шаҳри, Қўриқхона "Ичан-Қалъа", тел: 5-36-52.
Навоий шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 14, тел: 223-01-30.
Қарши шаҳри, 7-микрорайон, 9-уй, тел: 227-66-44.
Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Янгиқўрғон қишлоғи, Навоий кўчаси, 1, тел: 92-942.
Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги "Илм шуъласи" ОАЖ бозори.

**Биз билан ҳамкорлик қилишга шошилинг! Нархлар сизни қаноатлантиради!**


**Xullas...**

## ҲОВЛИДАН ГАЛЕРЕЯГА

Красноярск марказидаги ҳовлилардан бирида пайдо бўлган улкан илон ўрмалаб, болалар майдончасига етиб келди. Болалар тугул уларга бошқош бўлиб юрган ота-оналарининг ҳам юраги товонига тушиб кетди. Мабодо, бу судралиб юрувчи заҳарли бўлса-чи? Кимдир милиционерга хабар берибди шекилли, бир лаҳзада қуролланган ҳарбийлар ҳозир бўлишди.

Тўрт кишининг илонга бас келишини томоша қилиб турганлар жонивор яшикка солингач, енгил нафас олишди. Қутқарувчилар илонни зудлик билан яшикка жойлаб «Тирик ҳайвонлар галереяси»га элтиб қўйишгач, салдан сўнг хабар келди: «Бу — заҳарсиз чипор илон бўлиб, Ватани Амур».

... Ҳовли эгаси эса безовта. Ҳеч қаерда илони йўқ. Қандай қилиб уясидан чиқиб кетган, илғамай қолибди. Қайдам, уни топа олармикан, йўқми? Галереяга борса-ку топар, аммо қайтиб берармиканлар?

## САЛКАМ УЧ СОАТ БОШДА

Гонгконглик 28 ёшдаги ҳинд йогаси билан шуғулланувчи йигит икки соату 40 минут бошида туриб, 300 томошабинни таажжубда қолдирди. Унинг мақсади Гиннеснинг рекордлар китобига ёзилишдир.

Дарвоқе, Гонгконгда бу каби ҳайратомуз натижалар бир неча марта қайд қилинган. «ИТАР—ТАСС» хабарига кўра, «Пепинсьюла» деб аталган меҳмонхона ёнида бирйўла 50 та роллсройсга ижара хизмати кўрсатувчи гараж очиб қўйилган. Дунёнинг ҳеч қайси мамлакатида бундай имкониятга эга гараж йўқ. Гонгконгдаги районлардан бири аҳоли зичлиги бўйича энг юқори кўрсаткичда: бир квадрат километрга 60 минг киши.

Жонни қийнаб, оёғи тепада, боши ерга тиралган гонгконгликнинг натижаси ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ишдир. Шу боис у рекордлар китобидан жой олишга ҳақли.

**ana shunaqa gaplar**


Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати*: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-1029.
Тиражи 20377. 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Насиба ЭРХОНОВА.
Навбатчи:
Азиз НОРҚУЛОВ.

*«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.*
*Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.